

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

**522100-Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

Қаршибоева Лола Бозорбоевнанинг

**“ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ АСЛ ЎЗБЕК
ТОПОНИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ”
(Сирдарё вилояти мисолида) мавзуидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. Ё. Тожиев.

Гулистон - 2015

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ АСЛ ЎЗБЕК ТОПОНИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ (Сирдарё вилояти мисолида)

М У Н Д А Р И Ж А:

Ишнинг умумий тавсифи.....	4 – 8
1.боб.Топонимларнинг ўрганилиш тарихи.....	8–9
1.1. Топонимика ва тилшунослик.....	9 – 12
1.2.Ўзбекистон топонимларининг ўрганилиши ҳақида.....	13 – 21
2.боб. Сирдарё вилоятидаги ўз қатламга оид топонимлар таҳлили	21 – 21
2.1. Сирдарё вилояти топонимиясининг луғавий асослари.....	22 – 32
2.2. Сирдарё вилояти топонимиясида ўз қатлам ва ўзлашган қатлам.....	32 – 40
Умумий хулосалар.....	40 – 41
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	41 – 47

Аннотация

Ўзбек тилшунослигида янги пайдо бўлган ва жадал ривожланишга йўл тутган соҳалардан бири ўзбек топонимистикасидир. Атоқли отлар пайдо бўлиши, моҳияти ва вазифаларига кўра халқ маънавияти, мафкураси, маданияти билан зич боғланган луғавий қатламдир. Чунки жой номларида ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари; этнографик, диний тасаввурлари ўз ифодасини топгандир. Мана шу маънода топонимия халқнинг маданий, маънавий, лисоний меросидир.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги номшунослик соҳасида анчагина жиддий илмий ютуқларни қўлга киритди. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси ҳудуди топонимияси бўйича монографик тадқиқотлар яратилди, уларнинг турли ҳажмдаги изоҳли луғатлари тузилди. Мана шу даврда Ўзбекистон топонимияси бўйича кўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ҳам эълон қилинди. Кўпгина тадқиқотларда, асосан, макротопонимия материаллари ўрганилган, микротопонимия материалларига етарли эътибор қилинмаган. Айрим ишлардагина торроқ ҳудудлар топонимияси атрофлича, синчиклаб тўпланган ва таҳлил қилинган. Ўзбек топонимиясида мана шундай йўсинда бажарилган ишлар сирасига Ў. Орипов (Нурота тумани макро ва микро топонимияси), Т.Раҳматов (Самарқанд шаҳри ва атроф топонимияси), Ж.Латипов (Марғилон атроф топонимлари), Х.Холмўминовнинг (Бойсун микротопонимлари) қайд этиш мумкин.

Мазкур битирув малакавий ишда Сирдарё вилояти топонимиясини атрофлича тўплаш, чуқурроқ таҳлил қилишга бағишланди. Ишда имконият доирасида топонимик қонуниятларнинг ҳудуд топонимиясида амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида янги пайдо бўлган ва жадал ривожланишга йўл тутган соҳалардан бири ўзбек топонимистикасидир. Атоқли отлар пайдо бўлиши, моҳияти ва вазифаларига кўра халқ маънавияти, мафкураси, маданияти билан зич боғланган луғавий қатламдир. Чунки жой номларида ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари; этнографик, диний тасаввурлари ўз ифодасини топгандир. Мана шу маънода топонимия халқнинг маданий, маънавий, лисоний меросидир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, - деган фикрлари ўлкамиз топонимиясини тадқиқ қилиш учун ҳам тегишлидир.

Атоқли отларнинг материалларини тўплаш ва ўрганиш нафақат тилшунослик учун, балки тарих, этнография, география, маданият тарихи ва бошқа бир қатор фанлар учун ҳам қимматли материаллар беради. Атоқли отлар ўз маъноси ва мотивацияси, коммуникатив вазифаси, баъзи морфологик, деривацион хусусиятларига кўра турдош лексикадан фарқланади. Атоқли отларнинг ўзига хос баъзи лисоний томонлари борки, улар умумадабий тил ва диалектал муҳит, адабий норма ва регионал (минтақавий) мезон доирасида ҳал қилишни талаб қилади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги номшунослик соҳасида анчагина жиддий илмий ютуқларни қўлга киритди. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси ҳудуди топонимияси бўйича монографик тадқиқотлар яратилди, уларнинг турли ҳажмдаги изоҳли луғатлари тузилди. Мана шу даврда Ўзбекистон топонимияси

¹ Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqlool va taraqqiyot yo'li. - Toshkent: O'zbekiston, 1992. - 71-bet.

бўйича кўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ҳам эълон қилинди. Кўпгина тадқиқотларда, асосан, макротопонимия материаллари ўрганилган, микротопонимия материалларига етарли эътибор қилинмаган. Айрим ишлардагина торроқ ҳудудлар топонимияси атрофлича, синчиклаб тўпланган ва таҳлил қилинган. Ўзбек топонимиясида мана шундай йўсинда бажарилган ишлар сирасига Ў. Орипов (Нурота тумани макро ва микро топонимияси), Т.Раҳматов (Самарқанд шаҳри ва атроф топонимияси), Ж.Латипов (Марғилон атроф топонимлари), Х.Холмўминовнинг (Бойсун микротопонимлари) қайд этиш мумкин.

Мазкур битирув малакавий ишда Сирдарё вилояти топонимиясини атрофлича тўплаш, чуқурроқ таҳлил қилишга бағишланди. Ишда имконият доирасида топонимик қонуниятларнинг ҳудуд топонимиясида амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Қайд қилинганларнинг барчаси ушбу иш мавзуининг долзарблигини тасдиқлай олади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек топонимикасининг шаклланиши ва тараққиётида Х.Ҳасанов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, С.Губаева, Б.Ўринбоев, Ш.Қодирова, Л.Т.Каримова, Ё.Хўжамбердиев, Т.Раҳматов, Ж.Латипов, Н.Охунов, Т.Еназаров каби олимларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Улар ўзларининг топонимикага оид фундаментал тадқиқотлари билан ўзбек тили топонимик сатҳини ўрганишнинг илмий-назарий асосини яратишди, ўзбек топонимикаси фанига асос солишди ва уни ривожлантиришди. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тилида жойларнинг номланиши, номланиш мотиви ва тамойиллари, луғавий-маъновий, этимологик, морфемик ҳамда ясаиш хусусиятлари, тарқалиш ҳудуди (ареали) тадқиқ эилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон ҳудудидаги асл ўзбек топонимларини тарихий-лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш мазкур битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Битирув малакавий иш мавзусининг мазмун-моҳияти ва асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазкур иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ҳудуд топонимиясининг луғавий асосларини таҳлил қилиш;
- ҳудуд топонимиясининг ўз қатламга ва ўзлашган қатламга оид жиҳатларини кўриб чиқиш;
- ҳудуд топонимиясида эски (тарихий) қатлам ва янги қатлам номлар орасидаги муносабатни белгилаш;

Битирув малакавий ишнинг тадқиқот объекти. Ишнинг тадқиқ объектини Сирдарё вилояти ва унинг атроф ҳудудлари макротопонимияси ва микротопонимияси ташкил қилади. Шу муносабат билан ишда Сирдарё вилояти туман макротопонимияси ва микротопонимиясининг характерли материалларини тадқиқ қилиш учун уларни атрофлича ва тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, ишда Сирдарё вилояти тумани, унинг баъзи қишлоқларининг тарихига оид тарихий, этнографик манбалардаги мавжуд маълумот ва фактлардан ҳам ўрни билан фойдаланилди. Битирув малакавий иш учун материаллар, асосан, шахсий кузатиш ва суриштиришлар орқали, сўровномалар тарқатиш, шунингдек, матбуот ва бошқа манбалардаги материалларни ўрганиш орқали тўпланди.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва таҳлил усуллари. Битирув малакавий ишнинг методологик асоси оламдаги нарса ва ҳодисанинг ўзаро алоқадорликда ва ривожланишда деб билувчи диалектик фалсафадир. Шунингдек, ишда Ўзбекистон Республикасининг тил сиёсати, жой номларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарор ва ҳужжатларга ҳамда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг талабларига таянилган ҳолда иш тутилди.

Ишда баъзи назарий муаммолар, мураккаб ечимларни ҳал қилишда рус ва ўзбек топонимистларининг бу борада орттирган фойдали тажрибаларига ҳам таянилди. Бу жиҳатдан Т. Нафасов, З.Дўсимов, С.Қораев, Е.Бегматов, Б.Ўринбоев, рус номшуносларидан В.А.Никонов, Е.М. Мурзаев, А.В.Суперанская, О.Молчанова ва бошқаларнинг илмий қарашлари диққатга моликдир.

Тадқиқотда топонимлар тавсифий, қиёсий таҳлил усулларида, синхрон ва диахрон йўналишда ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– Сирдарё вилояти ва унинг атрофи ҳудудлари макротопонимияси шаклланиш, ривожланиш қонуниятлари ўрганилди ҳамда бу борадаги асосий тенденциялар аниқланди;

– ўрганилаётган ҳудудда жойларни номлашнинг халқона (табиий) ва расмий усуллари ўрганилди ҳамда жойларни номлашдаги баъзи мотивация қонуниятларини очишга ҳаракат қилинди;

– ҳудуд топонимиясининг луғавий таркиби, тарихий ва замонавий қатламлари белгиланди;

– номларнинг келиб чиқиши, ясалиш усуллари, бундаги фаол ва нофаол моделлар аниқланди.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Сирдарё вилояти макротопонимиясини ўрганиш маълум назарий хулосалар чиқаришга имкон берди. Ишнинг ушбу хулосалари ва таҳлил усулидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус курслар ўқишда, коллеж ва лицейларда география ҳамда ўлкашунослик машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Ишда тўпланган топонимик материаллар Ўзбекистон топонимиясининг изоҳли луғатини тузишда қўл келади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва умумий ҳажми. Иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажмисаҳифани ташкил қилади.

БИРИНЧИ БОБ

ТОПОНИМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

1.1. Топонимика ва тилшунослик

Атоқли отлар, жумладан географик номлар, айниқса уларнинг маънолари қадимдан олимлар эътиборини тортган. Топонимика атамасининг пайдо бўлганига ҳали бир аср бўлгани йўқ. Лекин топонимика масалалари тарих, география, тилшуносликка оид асарларда қадим замонлардан бошлаб учрайди.

Ҳар қандай фан амалиёт талаблари таъсирида пайдо бўлади ва ривожланади. Топонимика биринчи галда географиянинг амалий эҳтиёжлари асосида вужудга келди. Дастлабки сайёҳлар ўзлари кашф этган ерларга ном бердилар, узоқ ўлкалар ва шаҳарларнинг номларини ҳаммага маълум қилди. Географик номларни тўплаб ўрганганлар ҳам географлар эди.

Профессор Ҳ.Ҳасанов ”Ўрта Осиёда атоқли географ олим ва сайёҳлар озмунча бўлмаган, улар ажойиб асарлар ёзганлар”, дейди.

Ўлкаларда дунё кезган, янги-янги ерларни кашф қилган, кишиларнинг географик тасаввурларини ва топонимик маълумотларини кенгайтирган сайёҳлар, географлар кўп бўлган. Топонимикага катта ҳисса қўшган географ олимлардан немис олими **А.Гумболд**ни, рус географлари **П.П. Ва В.П. Семёнов-Тян-Шанский**, академик **Л.С.Берг**ларни айтиб ўтиш мумкин.

XIX аср охирларидан эътиборан дунёда амалий грамматика, хусусан картография эҳтиёжлари муносабати билан топонимикага қизиқиш кучайди. Топонимикадан махсус асарлар пайдо бўлди, географик номларни ўрганадиган комиссиялар ва жамиятлар ташкил этилди. Масалан, Англияда 1923 йилда дунёда биринчилар ўлароқ мамлакатдаги барча топонимик ишларни мувофиқлаштириш учун Топонимика жамияти тузилди. Кейинчалик Ғарбий Европа, Франция, Германия, Полша ва бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай жамиятлар ёки гуруҳлар пайдо бўлган эди.

Россияда топонимик тадқиқотлар тарих, география ва филология фанлари вакиллари томонидан олиб борилди. Академик **Шегрен**, машҳур тарихчи ва этнограф **Н.И.Надеждин**, тилшунос **А.Кастрен**лар рус топонимикасининг

дастлабки тадқиқотчиларидандир. 1847 йилда Россия География жамиятида тузилган географик терминологияни ўрганиш комиссияси ва Рус тили ва адабиёти ҳаваскорлари жамияти топонимикага катта аҳамият берди. Рус топонимикасини ўрганишга академиклардан **В.В Радлов, Ф. И. Соболевский** сезиларли ҳисса қўшдилар.

1904 йилда Россия география жамияти қошида Картография комиссияси тузилди. Комиссиянинг географик номларни транскрипсия қилиш бўлимида тилшунослардан **А.А Шахматов, И.А.Бодуен Куртене, А.Д.Руднев** ва бошқалар ишладилар.

Октябр тўнтаришидан сўнг топонимик тадқиқотлар кенг кулоч ёйди. Топонимик материалларни тўплаш ва қайта ишлаш соҳасида жиддий ишлар бошланди. Топонимика бўйича махсус маҳкамалар, Бутуниттифоқ география жамиятининг филиалларида ва бўлимларида топонимика комиссиялари тузила бошлади. 1965 йилда Ленинградда СССР топонимикаси бўйича Биринчи бутуниттифоқ конференцияси ўтказилди. Собиқ иттифоқдош республикаларнинг тилшунослик институтлари, собиқ СССР География жамияти, Москва филиалининг топонимика комиссияси географик номларни ўрганишга катта аҳамият бера бошлади.

Атоқли отларни (ономастика), жумладан географик номларни (топонимика) ўрганишга бағишланган кўплаб адабиётлар, жумладан махсус топонимик асарлар нашр этилди.

Топонимиканинг фан сифатида таркиб топишида Россия олимларининг хизмати катта.

Рус топонимикаси бўйича **А.П.Дулзон, А.К.Матвеев, Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, А.И.Папов, А.В.Суперанская, Е.М.Поспелов, А.А.Реформатский, Б.А.Серебренников, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев**нинг асарлари маълум ва машҳур.

Дунёдаги энг йирик топонимистлардан бири атоқли географ **Э.М.Мурзаевдир (1908-1998)**. Олим ярим асрдан кўпроқ вақт давомида географик номларнинг, жумладан Ўзбекистон топонимларининг келиб чиқиши, транскрипсияси, хусусан маҳаллий географик атамалар ҳақида кўплаб

қимматли асарлар, мақолалар, монографиялар, луғатлар яратди. Э.М.Мурзаев кўп йиллик илмий фаолиятида топонимиканинг назарий масалалари билан бир қаторда географик атамаларга алоҳида аҳамият берди. Масалан, 4 мингга яқин халқ географик атамаларини ўз ичига олган луғати жаҳон топонимистлари ва тилшуносларининг эътиборини тортди. Бу асар 1999 йилда тўлдирилиб 2 жилдда қайта нашр этилди. Э.М.Мурзаев географик атамалар кўпчилиги топонимлар этимологиясининг универсал калитидир, деган хулосага келар экан, топонимикани тадқиқ қилишга географларнинг роли катта эканлигини қайд қилади. Олим катта-катта ҳудудлардаги маҳаллий географик атамалар ва топонимлар семантикасининг нозик жиҳатларини бошқа ҳар қандай мутахассислардан кўра географлар яхши илғаб оладилар деб ҳисоблайдилар.

Москвалик йирик топонимистлардан бири **В.А.Никонов** собиқ Иттифокда топонимиканинг фан сифатида оёққа туришида катта ҳисса қўшди. Олимнинг энг йирик топонимик асарлари “Топонимикага кириш” ва “Қисқача топонимик луғат”дир. В.А.Никонов топонимлар тарих тақозоси ила вужудга келадиган ижтимоий ҳодиса эканлигини, географик номларнинг таркиб топишида суффиксларнинг-грамматик қўшимчаларнинг катта ўрин тутишини алоҳида уқтирди. У топонимларнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлишининг қатор қонунини ҳамда географик объектларнинг кам учрайдиган характерли хусусиятларга қараб ном олишнинг *нисбий негативлик* қонунини кашф этди.

В.А.Никонов ўзининг топонимик луғатида дунёдаги 4 мингга яқин йирик географик объектлар номларининг келиб чиқишини изоҳлаб берган.

Москвалик йирик тилшунос топонимистлардан бири **А.В.Суперанская**дир. Олима топонимларга, хусусан атоқли отларга бағишланган кўплаб асарлар ёзган. Унинг географик номлар лингвистик қонуниятларидан баҳс этадиган энг йирик асари “Топонимика нима?” китобидир. Асарда топонимиканинг назарий асослари баён этилган, географик номлар тарихида маълумотлар келтирилган.

Ҳамдўстлик таркибидаги бошқа мамлакатларда ҳам топонимикага катта аҳамият бериб келинади. Географ топонимистлардан **В.А.Жучкевич** бу соҳада айниқса катта ишлар қилди. Унинг “ Умумий топонимика” номли талабалар учун ўқув қўлланмаси 1965 йилдан буён бир неча марта нашр қилинди.

Украина топонимикларидан республикада урушдан кейинги даврда топонимик тадқиқот ташкилотчиси **К.К.Целуйко** гидронимларни синчиклаб ўрганган **А.С.Стрижак**, регионал топонимияни мукамал ўрганишдан ташқари топонимика назарияси ва методологиясининг умумий масалаларига алоҳида аҳамият берган. **Ю.А.Карпенко**нинг номларини айтиб ўтиш мумкин.

Қардош қўшни республикалар топонимистларидан Тожикистонда Яғноб топонимларини ўрганишда **А.Л.Хромов**, Помирнинг микротопонимларини тадқиқ қилишда эса **Р.Х.Додихудоев** асарларнинг аҳамияти катта.

Қозоғистонда топонимларни ҳам лингвистик, ҳам географик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда катта ютуқлар қўлга киритилган. Республикада топонимларни, хусусан географик атамаларни ўрганишда **Ғ.Қ.Қўнқашпаев**нинг хизматларини алоҳида қайд қилиш керак. Қозоғистонлик топонимистлардан **А.А.Абдурахманов**, **Т.Жанузоқов**, **В.Н.Попова**, **Е.Қўйчибоев**нинг илмий ишларида топонимиканинг умумий масалалари билан бир қаторда жой номларининг этимологиясига катта ўрин берилган.

Туркменистон Республикасида топонимиканинг ривожланиши академик **С.Отаниёзов**нинг номи билан боғлиқ. Олим топонимиканинг методологик масалаларини ёритиш билан бирга топонимларнинг, этнонимларнинг келиб чиқиши соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, топонимлар ва этнонимларнинг луғатларини тузган. Туркман географик атамаларини йиғиш ва изоҳлаш борасида **М.Гелдиханов** анча жиддий ишларни амалга оширди.

Қирғизистон топонимикасининг ютуқлари географлардан **С.Умрузоқов**, тилшунослардан **Қ.Қўнқабоев**, **Д.И.Исаев** номлари билан боғлиқ.

Қардош Озарбайжон Республикасида ҳам топонимика соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилган. Топонимларни ва географик атамаларни йиғиш ҳамда ўрганиш бўйича **Р.М.Юзбашев**, Республиканинг шимолий раёнлари топонимларини тадқиқ қилишда **С.М.Муллазода**, Ғарбий раёнлар топонимиясини ўрганиш бўйича **А.А.Алиев**, топонимиканинг назарий масалаларини ишлаб чиқишда **Т.А.Ахмедов**нинг хизматлари катта.

1.2. Ўзбекистон топонимларининг ўрганилиши ҳақида

Ўрта Осиё ва унинг географик номлари тўғрисидаги энг қадимги маълумотлар милоддан аввалги VI-V асрлардаюнон олимлари асарларида учрайди. “Тарих фани отаси” деб ном олган **Геродот** Гирканд “Каспий” денгизидан шарқ томондаги ҳудудни “бепаён текисликдан иборат” деб атаган, **Аракс** дарёни (Аиударёни) тилга олган

Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн)нинг бостириб келиши, шунингдек савдо алоқаларининг авж олиши қадимги дунё оилаларининг географик тасаввурларини кенгайтиришга имкон берди. Александр Бактрия билан Суғдиёнада саккизта шаҳар, бошқа бир маълумотларга кўра ўнта шаҳар қурган, шулардан **Александрия** деб атаган (масалан, **Александрия эсхата** “Чекка Александрия”,–ҳозирги Бекобод шаҳри яқинида), **Киропол** (Тожикистон Республикасидаги Шаҳристон довони яқинидаги Шаҳристон қишлоғи ўрнида бўлган деган фикр бор). Шу билан бирга фотиҳ бир қанча шаҳарларни, жумладан Марақандни (Самарқандни) вайрон қилган.

Александр Македонскийнинг буйруғи билан ёзиб борилган мукаммал кундаликлар ҳам, унинг урушлари тарихига оид биринчи манбалар ҳам бизгача етиб келмагани боис географик маълумотларда кўп нарсалар номаълум бўлиб қолаётир.

Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг дарёлари, табиий географияси, шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар милоддан аввалги I асрга келганда аниқ бир тус олади.

Масалан, қадимги юнон географи ва тарихчиси, 17 жилдлик “География” асарининг муаллифи **Страбон**, тарихчи ва ёзувчи, 7 жилдлик Александр Македонский юришлари тарихи муаллифи Флавий Арриан, 10 жилдлик “Александр Македонский тарихи”ни ёзган Руф Куртсий (I аср) **Яксарт** (Сирдарё), **Политимет** (Зарафшон) ҳақида маълумотлар берганлар. Арриан Сирдарё бўйида суғдийларнинг Василейя шаҳрини тилга олган. Астраном **Клавдий Птоломей** (тахминан 90-160 йиллар) Ўрта Осиё географияси ҳақида

кенг маълумотлар бериб ўлка ҳудудларини, дарёлари, шаҳарларини тасвирлаб ёзган.

Шундай қилиб, антик дунё олимларининг асарларида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда бир қанча номлар, чунончи **Гирканд** денгизи, **Аракс** (Амударё), **Окс** (Оксос-Амударё), **Хорасмия** (Хоразм) шаҳри, **Қанғ** (Қангха, Қангуй) давлати, **Яксарт** (Сирдарёнинг энг қадимий маҳаллий номи), **Мараканд** (Самарқанд), **Политимет** (Зарафшон) ва бошқалар тилга олинган.

Милоднинг VII асрдан эътиборан араб халифалиги мамлакатларида ҳам фан ривожлана бошлади. Араблар босиб олган Ўрта Осиё ҳам ана шу халифалик таркибида эди. Ўрта Осиёдаги, аввалги мустақил бўлган мамлакатлар ўша вақтда ўз ёзувига эга юксак маданиятли давлатлар эди. Уларда таълим тизими, суғорма деҳқончилик ривожланган, йирик шаҳарларда бой кутубхоналар бўлган.

Ўрта асрларда Туркистонда буюк олимлар ижод қилганлар ва жаҳон фанини, жумладан топонимикани ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Масалан, Берунийнинг географик ва топонимик мероси “Ат-тавхим”, “Ҳиндистон тарихи”, “Ал-осорул боқия”, “Қонуни Маъсуди” асарларида келтирилган. Олим хоразмликларда Вахш сувларни, жумладан **Жайхун** дарёсини назорат қилиб турган малак номи эканлигини айтган. Демак, Амударёнинг ўнг irmoғи бўлган **Вахш**, Сурхондарё вилоятидаги **Вахшивор**, **Вахшивордара** каби топонимлар ўша сув париси номи инъикосидир. “Геодезия” асарида Беруний ўша вақтдаги **Сариқамиш кўлини Хиз тенгизи**, яъни “Қиз денгизи” деб атаган. Олим топонимика қонуниятларига оид бир қанча фикрлар билдирган, масалан, юнонлар ва араблар туркий сўзларни бузиб ўз тилларига мослаб талаффуз қилганликлари оқибатида бир қанча сўзларнинг маъноси ўзгариб кетганини, (масалан, туркийча *тош* сўзини араблар *шош* деб талаффуз қилишларини) айтади. Беруний ўзининг “Сайдана” асарида 400 дан ортиқ қишлоқ, тоғ, дарё, шаҳар ва ороллар, “Қонуни Маъсуди” китобида 600 дан ортиқ жой номларини тилга олган. Шундан 85 таси Ўрта Осиё ва Хуросонга тегишлидир.

Ўрта асрлардаги барча тарихий, географик ва лингвистик асарлар орасида топонимика учун ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган асар, бу Маҳмуд Кошғарийнинг уч жилдли “Девону луғотит турк” китобидир. Ўзбекистоннинг тарихий топонимияси учун яна бир шта қимматли асарларидан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китоби саналади. Китоб 934-944 йилларда араб тилида ёзилган. 1128-1129 йилларда форсчага қисқартириб таржима қилинган, номаълум муаллиф китобга мўғуллар босқинчилигигача бўлган воқеаларни қўшган. Китоб ўзбекчага таржима қилинган (Тошкент, 1966).

Бу асарда Ўрта Осиёнинг VIII-XII асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ёритилган. Шу билан бирга эски Бухоро ва унинг яқинидаги бўлиб бир неча юз географик ном тилга олинган. Шуниси қизиқки, X-XI асрлардаги кўпгина географик номлар ҳозиргача сақланиб қолган. Шулардан **Нур** (ҳозирги Нурота), **Ғиждивон**, **Ромитан**, **Шопурком**, **Кармана** қадимий номлардир. Варахша (Фарахша), Пойканд Бухородан ҳам кекса шаҳарлардир, деб ёзади Наршахий. Тарихчининг маълумотларига кўра, Бухоронинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат-ус-суфрия (“Мис шаҳри”), Мадинат-тужжор (“Савдогарлар шаҳри”), Фохира деган номлари бўлган.

Шопурком ариғи (ҳозир қишлоқ ҳам) Эрон шахзодаси Шопурнинг номи билан аталган экан. Шопур бухорхудотдан (Бухоро ҳокимидан) ер олиб, қаср қурган ва Вардана қишлоғини барпо қилиб, ариқ қазиб келтирган. Шопурком-“Шопур ариғи” демак. Шопур исми ўз навбатида икки сўздан иборат: шох, пур-ўғил, шахзода.

Ком атамаси қадимдан Бухоро атрофида истеъмолда бўлган ва ҳозир ҳам анчагина географик номлар таркибида учрайди: Коми Зар, Коми Акка (Зарафшоннинг бир номи), Ҳарамком ва ҳоказо.

Ўзбекистон жой номларининг ўрганилишига “араб географлари” номи билан машҳур олимлар катта ҳисса қўшган. Шу нарса эътиборга сазоворки, янги қўшиб олинган ҳудудларнинг маъмурий тузилишини ўрнига қўйиш муносабати билан “Солиқ дафтарлари”-“Китоб ал-хараж” ва “Йўлномалар” пайдо бўлади. Бундай номларда вилоятлар ва аҳоли пунктлари, деҳқончилик

ва касб-хунар маҳсулотлари, бекатлар, улар орасидаги масофа, алоқа шароити кўрсатиб қўйилар эди. Асли эронлик бўлган араб географи Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбехнинг (XI аср) “Китоб ал масолик ва мамолик”- “Йўлномалар ва мамлакатномалар” китоби шундай географик асарларнинг дастлабкиси эди. Бундай маъмурий-статистик йўналиш Ал-Якубийнинг “Китоб ал-булдон” (“Мамлакатлар китоби”), Ибн Жаъфар Кудаманинг “Солиқнома” (“Хараж китоби”) асарларида ўз ривожини топди.

Араб географияси айниқса X асрда кенг ривожланди. Ибн Руста (Абу Али Ахмад ибн Умар) географлар орасида алоҳида ўрин тутди. Унинг “Китоб ал-алак ан-нафиса” (“Дурдоналар китоби”) асарида Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонга бағишланган қисми Ватанимиз топонимикаси учун жуда муҳим. Ибн Руста, чунончи, Буттам тоғларидан оқиб келадиган Қумрад ва Ховарруд дарёларини Ромид (ҳозирги Кофирниҳон) дарёсининг ирмоқлари деб атайди. Академик В.В.Бартолднинг фикрича, бу дарёлар ҳозирги Сурхондарёнинг Қорадарё, Тўполондарё, Сангардақдарё номли ирмоқлари бўлиши керак, Буттам тоғлари эса Биринчи Буттам (Ҳисор тизмаси), Ўрта Буттам (Зарафшон тизмаси) Ташқи Буттам (Туркистон тизмаси) тоғларидан иборат бўлган.

X асрда Истахрий (Абу Исоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Фарисийнинг “Китоб ал-масолик ва ал-мамолик”асари 930-933 йиллар) араб географиясининг катта ютуғи эди. Кейинчалик (976-977 йиллар) Моварауннаҳрга саёҳат қилиб, уни тасвирлаб ёзган ибн Ҳавқал Истархий асарини янада тўлдирди. Масалан, ибн Ҳавқалнинг гувоҳлик беришича, Сағонруд (Чағонруд), яъни Сурхондарё Термиз шаҳридан пастроқда Амударёга қуйилган. Халифалик таркибидаги ўлкалар, жумладан Моварауннаҳргеографияси, тарихи, иқтисодиёти, маданияти, жумладан топонимияси ҳақида Мукаддасий (Шамсиддин Абу Абдаллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад) айниқса тўлиқ маълумот берган.

Мукаддасий маълумотларига кўра, Чағониёнда (Сурхондарё водийсида) 16000 га яқин қишлоқ бўлган. Сайёҳ Фарғонада Ахсикат, Ўзганд, Ўш, Қубо (Кува), Марғинон, Риштон, Косон, Боп (Поп), Ашт, Аввал, Андукон (Андижон), Хуканд (Қўқон) каби 40 та шаҳар ҳамда жоме масжидли қишлоқни санаб ўтади. Мукаддасий ва бошқа араб географларининг асарларида номлари ҳозиргача

сақланиб қолган топонимлар тилга олинган: Зомин, Жиззах, Сobot, Ховос, Куркат, Самғар, Хўжанд ва бошқалар.

Бу каби маълумотлар Ватанимиз топонимиясининг қадимий эканлигини кўрсатади. Ахсикат, Самарқанд, Фарғона, Чоч (Тошкент) каби номлар VIII асрга оид суғд хужжатларида ва ундан ҳам олдин, Андигон (Андижон), Зомин, Исфара, Иштихон, Кармана, Кеш (Шахрисабз), Марғинон (Марғилон), Миёнқол, Миёнрудон (“Икки сув ораси”) – Норин билан Қорадарё оралиғи, Нарпай, Нахшаб (Қарши), Парак (Чирчиқ), Барскет (Паркент), Бискат (Пискент), Биском (Писком), Пишағар, Боб (Поп), Риштон, Сobot, Сойлиқ, Тавовис, Усрушона, Фарғона, Фороб, Хотункат, Жадғал (Чотқол), Чағониён (Сурхондарё водийси), Чиначкат-Жинанжкат (Чиноз), Шовдор, Қалқонқуд, Қува, Қуршоб (Хуршоб), Хуканд (Қўқон), Ғиждивон, Хузор (Ғузор), Ҳазорасп каби номлар IX-X асрлар манбаларида- араб географларининг асарларида, “Худуд ал-олам”да, Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да тилга олинган.

XIII асрда ижод қилган Ёқут (Ёқут ибн Абдуллоҳ ар-Руми ал-Ҳамавий) “Муъжам ал-булдон” номли кўп жилдли луғатида географияга оид барча маълумоъларни жамлаб катта топонимик мерос қолдирган. Ёқут Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг маълум ва машҳур Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Зомин, Нахшаб (Насаф-Қарши), Фарғона, Узканд (Юзканд-Ўзгант), Ахсикат, Хуканд (Қўқон), Хўжанд, Ўш, Дабусия, Шош (Тошкент), Усрушона, Фароб, Термиз, Асфижоб-Исфижоб каби шаҳар ва қишлоқлари ҳақида мукаммал маълумот қолдирган. Ёқут географик номларни ҳозирги илмий тил билан айтганда топоформантларга қараб тасниф қилган. Масалан, *обод* сўзига келганда шуни айтиш керакки, дейди Ёқут, бу унсур шаҳарлар, қишлоқлар ва вилоятлар номлари таркибида кўп учрайди: Асадобод, Рустамобод, Ҳуснобод каби. Асад кишининг исми, *обод* эса форсча “аҳоли пункти” деган маънони билдиради, демак, Асадобод “Асад шаҳри ёки қишлоғи” демакдир.

Умуман олганда, араб географлари асарларида республикамиз топонимияси ҳақида кўплаб маълумот топса бўлади.

Туркий тарихий ва лисоний манбалардан топонимика учун энг аҳамиятлилари сифатида Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларини алоҳида тилга олиш мумкин. “Девону луғотит турк”нинг топонимика фани учун аҳамияти шундаки, асарда 200га яқин туркий топонимлар (Олайғоч, Бадаларт, Қарғалик), кўплаб этнонимлар – ўша вақтдаги туркий қабилаларнинг номлари (яғма, чигил, суғдак “суғдийлар”) ва уларнинг географияси, бир неча ўнлаб қадимий туркий исмлар (Бектур, Арслонтегин, Турумтой), кўплаб географик атамалар (арт, доvon, ёзи-ёзи “дашт”, балиқ “шаҳар”), шунингдек ўсимлик ва ҳайвонларнинг қадимий туркий номлари (авя- беҳи, сўксўк-“саксовул”, қазин- қайин, яған- фил, қоз-ғоз, чабақ- майда балиқ келтирилган. “Девону луғотит турк”нинг учта жилдида келтирилган бой топонимик материаллар жой номларининг этимологиясини тадқиқ қилишда, топонимларнинг қадимий фонетик шакллари аниқлашда ўта қимматли манбалар бўлиб хизмат қилади. (Бу асар ҳақида янада тўлароқ маълумот олиш учун V бобга қаранг).

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида тарих, этнография, географияга оид қимматли маълумотлардан ташқари, топонимика соҳасида ҳам бой материаллар келтирилган. “Бобурнома”нинг бу борадаги аҳамияти шундаки, ундан топонимларнинг қадимий шакллари билиб олиш мумкин: Дизак- Жиззах, Кўҳак-Зарафшон, Сайхун, Хўжанд суйи ёки Сир суйи- Сирдарё, Чир- Чирчиқ ва ҳоказо.

Бобур тилга олган кўплаб географик атамалар топонимларнинг келиб чиқишини аниқлашда ва ўзбекча илмий терминологияни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга, масалан: банд-тўғон ёки “бекат”, жазоир-орол, жангал-ўрмон, қўл-дарё тармоғи, танги-тор дара қуруқ қўл ёки сувсиз қўл-сойлик, парча тоғ- қолдиқ тоғ, тағоб-ўзан, туз-текислик, тўқай-дарё муюлиши, ушоқ тоғлар-паст тоғлар, яйлоқ-ййлов, обгир-ботқоқлик, кўтал-довон, қасаба-шаҳарча, пушта- тепалик, қўруқ-қўриқхона, учма-тик ёнбағир, ёз-баҳор, ёзи-дала, обшор- шаршара ва бошқалар.

Кейинги икки аср давомидаги тарихий, лингвистик, географик асарлардан Ўзбекистон топонимикасига оид кўплаб материаллар топиш мумкин. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон топонимикасига оид дастлабки асарлардан бири венгриялик олим Арминий Вамберининг Ўрта Осиёга махфий саёҳати маҳсули

бўлмиш “Марказий Осиёнинг географик номлари” (немис тилида) деб аталган асаридир. Асарнинг луғат қисмида 600 га яқин географик ном ва атама алифбо тартибида берилган. Бу эса ўша давр учун катта ютуқ эди. Бироқ географик номлар изоҳларида хатоликлар учрайди. Масалан, Жиззах- “иссиқ”, Андижон-онт, қасам ва жон, жондай иноқлик, Сариосиё- “сарик тегирмон”, Сирдарё- “жилдираб оқадиган” деган маънони билдиради деб ёзган.

Рус шарқшуносларидан Н.В.Хаников, Л.Н.Соболев, Н.Ф.Ситняковский, В.Л.Вяткин асарларида бир қанча маълумотлар Ўзбекистон топонимикасига бағишланган. Масалан, Н.В.Ханиковнинг “Бухоро хонлиги тасвири” асарида ўша даврда истеъмолда бўлган оталиқ, кўрчи, тунқотар, шиғовул каби кўплаб ижтимоий-сиёсий атамалар тилга олинганки, улар ҳозирги вақтда бир қанча топонимларнинг маъносини тушуниб олиш учун калит бўлиб хизмат қилади. Китобда 92 ўзбек қавмларининг дастлабки рўйхати келтирилган.

Л.Н.Соболевнинг “Зарафшон округи ҳақида географик ва статистик маълумотлар” китобида Зарафшон водийсидаги қишлоқ, шаҳарларнинг рўйхати берилган. Унда қишлоқнинг қайси ариқдан сув ичиши ва аҳолисининг қайси қабила ёки уруғ вакиллари эканлиги ҳам айтиб ўтилган.

Чор армиясининг офитсери Н.Ф.Ситняковскийнинг Зарафшон водийсига бағишланган тарихий-географик асарида Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да (Хаср) тилга олинган кўпгина ариқлар ҳамон ўша эски номлари билан аталиши қайд этилган.

Китобига Зарафшон водийсидагибир неча юз ариқ, шаҳар ва қишлоқ номларининг рўйхати илова қилинган. Бу эса топонимика фани учун қимматли бой тарихий-географик материал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг тарихий географиясини, жумладан топонимиясини ўрганишда инқилобдан олдин ва совет даврида ижод қилган тарихчилар орасида В.Л.Вяткин алоҳида ўрин тутди. Олимнинг Самарқанд ва Тошкент вилоятларига бағишланган ва вақф ҳужжатлари асосида ёзилган тарихий-географик асарларида кўпгина топонимларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз боради.

XIX аср охири XX аср бошларида ижод қилган рус шарқшунослари орасида Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг тарихий географиясини ва топонимикасини ўрганишда академик В.В.Бартолд ижоди алоҳида ўрин тутади. Бартолд асарларида Ўзбекистондаги юзлаб тарихий географик номлар тилга олинган, бир қанча топонимларнинг этимологияси келтирилган, олим, масалан, **Бағдод** шаҳри (Ироқ) номини “Худо инъоми” деб изоҳлаган. Чунки қадимги эроний тилларда, жумладан суғд тилида бог (фаг-баг) “худо”, “яратувчи” деган маънони ҳам билдирган. Биргина шу мисол вақт ўтиши билан атамаларнинг маъноси ўзгариб туришини кўрсатади. Яна бир мисол. Илк ўрта асрларда *деҳқон* (деҳигон) деганда “заминдор”, “катта ер-мулкка эга бўлган бой” тушуниланган.

В.В.Бартолд асарларининг 9 жилдли ҳар бирида *берун, вақф, варғ, вихара, диз, қарши, рабод, работ, рустақ, тўрткўл, чорсу, шаҳристон, ҳисор, ўрчин* каби юзлаб қадимий географик, тарихий, ижтимоий-иқтисодий атамалар тилга олинган ва имкон қадар изоҳланган.

Ўзбекистон топонимиясини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган ҳар бир мутахассис М.С.Андреев, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, Б.А.Аҳмедов, А.Р.Мухаммаджонов, М.Е.Массон, О.Д.Чехович, А.А.Семенов, О.А.Сухарева каби олимларнинг тарихий-географик асарларидан Ўзбекистон топонимларининг маъноси, келиб чиқиши ҳақида талай материаллар топади.

Ўзбекистон топонимиясини ўрганишда географлар ҳам катта ҳисса қўшганлар. Профессор Н.Г.Маллицкийнинг айрим атамалар тўғрисидаги мақоласи, хусусан Тошкентнинг маҳаллалари ва мавзелари номлари ҳақидаги асари топонимика учун қимматли материаллардир.

Ўзбекистон топонимика фаниниг ва географик атамашуносликнинг ривожланишида профессор Ҳ.Ҳ.Ҳасановнинг хизматлари катта. Олимнинг “Географик номлар имлоси” (1962), “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” (1965), “Географик номлар сири” (1985), “Ер тили” (1977), “География атамалари луғати” (1966), “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар” (1964), “Сайёҳ олимлар” (1981) каби асарларида, кўплабрисолалари ва мақолаларида Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда жой номларини ўрганишга қадимдан аҳамият

бериб келинганни қайд қилинган. Айрим топонимларнинг этимологияси аниқланган. Олим тарихий, географик номларни изоҳлади, дунёдаги кўплаб номларнинг ҳозирги ўзбек тилида ёзилиши (транскрипсияси) қонуниятларини ишлаб чиқди, эски ўзбек географик терминологиясини замонавий, илмий терминология асосида қайта ишлади: Масалан, уқийёнус- океан, ота-орол, ёнартоғ-вулкан, кўрфаз-қўлтиқ, жуғрофия-география каби.

Тилшунос топонимистлардан профессорлар Т.Нафасов, З.Дўсимов, доцент Н.Охунов Ўзбекистонда топонимиканинг ривожланишига, топонимларнинг номинатив (номланиш) қонунларини очиқ беришга салмоқли ҳисса қўшди ва кўплаб жой номларининг этимологиясини аниқлаб бердилар.

Ўзбекистон топонимика фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири Т.Нафасов Ўзбекистонда биринчи бўлиб топонимикадан номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик соҳага оид бир қанча рисола, мақолалар чоп этди. Унинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати”да (1988) асосан Жанубий Ўзбекистондаги микротопонимлар этимологияси ёритилган. Шу билан бирга минтақадаги Бойсун, Кеш, Чағониён, Қарши каби баъзи тарихини топонимларга ҳам этимологик изоҳ берилган.

З.Дўсимов Хоразм топонимиясини ўрганиб жой номларининг тарихи ва этимологияси, уларнинг лингвистик хусусиятлари, моделлари ва типларини аниқлаш соҳасида ишлади. “Хоразм топонимлари” монографиясида (1985) Хоразм топонимларининг шаклланиши ва уларнинг тараққиёт босқичларини тадқиқ қилди.

П.БОБ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЎЗ ҚАТЛАМГА ОИД ТОПОНИМЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Сирдарё вилояти топонимиясининг луғавий асослари

Атоқли отлар ўзининг алоҳида мустақил лисоний материалга эга бўлмагани туфайли, тилдаги мавжуд луғавий бойлик заминиди ясалади.

Сирдарё вилояти топонимияси бўйича биз олиб борган кузатишлар ушбу топонимлар заминиди ҳам ўзбек тилининг ва бошқа бир қатор тилларнинг луғавий материаллари ётишини кўрсатди. Бу топонимларни аввало икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1.Турдош сўз топонегизлар.

2.Атоқли от топонегизлар.

Топонегизларни таҳлил қилишдан олдин Сирдарё вилояти топонимиясининг характери, тўпланган материалнинг ҳажми, функционал белгиларини аниқлаш, намоёиш қилиш мақсадида топонимларни улар қандай объектнинг атоқли оти бўлиб келаётганига кўра қисқача таснифлаш ва таърифлашни лозим топамиз.

Топонимларни улар қандай объектнинг атоқли оти бўлиб келаётганига кўра тасниф қилиш ономастик материални таснифлашнинг усулларида биридик ва ушбу усул ўрганилаётган ҳудудда топонимларнинг қандай типлари учраши, уларнинг номинатив функцияси ва микдорий хусусиятларини белгилашга имкон беради.

1.Шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар номи.

Номшуносликда ушбу типга кирувчи номлар: астионимлар -ҳар қандай аҳоли яшайдиган жой номи, комонимлар – қишлоқ ва овул типиди жойлар номи ва улар умумий тарзда ойконимлар деб юритилмоқда. Ойконимлар аҳоли истиқомат қилувчи ҳар қандай жой, объектнинг атоқли отидир¹. Ойконимларга ўзбек тилида шаҳар, қишлоқ, овул, шаҳарча (посёлка), маҳалла ва гузарлар

¹ Nuritdinova R.S. O'zbek onomastikasi terminlarining lisoniy tahlili. - Avtoref. diss..filol.fanlari nomzodi. – Toshkent, 2006.

номи киради. Ушбу объектларнинг номлари ўзбек топонимикасида анча қониқарли ўрганилган, ҳатто махсус тадқиқотлар ҳам ёзилган. Аммо шунга қарамасдан, Ўзбекистон ойконимияси материаллари республиканинг барча ҳудудлари бўйича синчиклаб тўпланган ва ўрганилган деб бўлмайди.

Қишлоқ номларининг аксарияти жуда қадимий номлардир: Қорақишлоқ, Ўртақишлоқ, Султонховуз, Баландқишлоқ, Жарбоши, Тепакўрғон, Янгиовул, Басткижар, Қумовул.

Сирдарё вилояти ҳудудидаги қишлоқлар номининг аксарияти этнонимлар ёки антропонимлардан ясалгандир. Жойнинг физикавий-жўғрофий хусусиятларини ифода этувчи номларнинг аксариятини гидронимлар ёки оронимлар ташкил қилади.

2. *Маҳаллалар номи.* Маҳаллалар номи ойконимларнинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли яшайдиган жойнинг маълум қисмларга бўлинган бўлинмаларининг атоқли отидир. Одатда бундай бўлинмалар шаҳарда, қишлоқларда мавжуд бўлади. Маҳаллалар номи ҳақида баъзи ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, топонимларнинг ушбу типи ҳали қониқарли ўрганилган эмас.

Сирдарё вилоятидаги маҳаллалар номининг бир қисми этнонимлардан: Хўжатўп, Ешонтўпи, Араблар, Бойтўпи, Бадахшон, Ерони, Жалойир, Найман; бир қисми киши исми ва лақаблардан ясалгандир: Қосим Раҳматов, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Навоий, Ш.Рашидов, Ҳ.Олимжон, Муқимий, Усмон Юсупов, Турғун Аҳмедов, Амир Темур; жойнинг физик-жўғрофий хусусияти ёки ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифода этувчи сўзлардан: Мирдош, Оқолтин, Олтинсой, Қовоқ, Лангар, Тасмачи, Сойкечар, Янгиобод, Дўстлик, Чашма, Шоликор, Асалчилик ва б.

3. *Гузарлар номи.* Сирдарёдаги гузарларнинг кўпчилиги ва уларнинг номи қадимий тарихга эга. Уларнинг миқдори 20 дан ортиқ бўлиб, айниқса Янгиработ, Боғчақалон, Шакарқишлоқ, Оқмачит, Қўрғон, номлари характерлидир. Шакарқишлоқ гузари номи унда истиқомат қилувчи аҳолининг ширинсуханлигига ишора қилади.

4. *Йўллар, кўчалар номи.* Номшуносликда ҳаракатланиш учун мўлжаллаб қурилган йўллар, кўчалар номи умумий тарзда дромонимлар; шоҳкўчалар, проспектлар, кўчалар, торкўчалар, боши берк кўчалар - годонимлар деб юритилади¹. Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг топонимик сиёсати² тадбирлари туфайли аҳвол анча ўзгарди ва ҳозирда Сирдарё вилояти тумани ҳудудида кўчаларнинг янги номлари мавжуд: Амир Темур кўчаси, Баҳор кўчаси, Мустақиллик кўчаси, Мирзо Улуғбек кўчаси, Кўксарой кўчаси,

5. *Масжидлар номи.* Диний тушунча ва тасаввур билан боғлиқ бўлган объектлар, муқаддас жойлар номи номшуносликда *агиотопонимлар* деб юритилади. Масжидлар номи ҳам муайян ўринни билдирувчи атоқли от сифатида агионимларга киради. Маълумки, масжидларда ислом дини билан алоқадор бўлган диний маросимлар, расм-русумлар адо етилади. Оқмачит, Қаландархона масжиди, Парахин масжиди, Яримгузар масжиди, Заргар масжиди, Чақар масжиди.

6. *Муқаддас қадамжойлар, қабрлар, қабристонлар номи.* Инсон дафн қилинган жойлар – қабрлар, қабристонлар ва бошқа хил ана шу типдаги ўринлар номшуносликда **некронимлар** деб юритилади. Сирдарё вилояти топонимияси некронимларга бойлиги билан ажралиб туради. Булар асрлар давомида Сирдарёлик аجدодларимиз абадий уйқуга кетган, кейинги авлодлар эса муқаддас билиб келган, сиғинган қадамжойлардир. Пармидон ота, Кўктош ота қабристони ва б.

7. *Қудуқ ва зовурлар номи.* Қудуқлар номи сув объекти иншоотларига тегишли бўлгани учун гидронимлар, майда гидронимларнинг атоқли оти бўлгани учун микротопонимиянинг микрогидронимлар гуруҳига мансубдир. Сирдарё вилояти қудуқ ва зовурларининг кўпчилиги Кўл, “Ўрта зовур”, “Симоника”, “Киндик”, “Қорамон” каби

Топонимларнинг аксарияти асосида турдош лексика ётади. Сирдарё вилояти топонимиясида бундай лексиканинг типлари қуйидагилардир:

¹ Nuritdinova R.S. O'zbek onomastikasi terminlarining lisoniy tahlili. - Avtoref. diss., filol. fanlari nomzodi. – Toshkent, 2006.

² E.Begmatov. Istiklol o'lkasining toponimik siyosati. // O'zbek tili va adabiyoti. - 1997. - №3. – B.3-9; - №4. – B.7-9.

Яйловлар номи. Яйловлар номи ҳам йер юзаси релефи билан боғлиқ бўлгани учун оронимлар таркибига киради. Биз тўплаган материаллар орасида яйловларнинг номлари мавжуд. Чунончи: Ёйилма, Кетмонсой, Олтинтепа ва б.

Тепалар номи. Тепа ва тепаликлар номи ҳам йер юзаси релефини ифода етувчи гидронимлардир. Ҳажм нуқтаи назаридан тоғ, қир, тепалик, тепа, тепача (дўнг, дўнглик)лар ўзаро фарқлидир. Тоғдан тепага қадар жўғрофий объектнинг ҳажми кичрайиб, аксинча, тепадан тоққа қадар жўғрофий объектнинг номи катталашиб, улканлашиб боради. Демак, келтирилган тушунча ва номларнинг ҳар қайсиси йер юзаси релефи билан боғлиқ бўлган бирор ҳажмни, йер юзасидаги қавариқларни (текисликка, дэнгиз сатҳига нисбатан) ифодалайди.

Жой номларининг атоқли оти бўлмиш топонимлар узоқ ўтмишга дахлдор бўлиб, уларда қадимда яшаб ўтган аجدодларимизнинг ижтимоий, маданий – маънавий, диний – фалсафий қарашлари, жойларни номлашдаги моҳирлик ва топқирлиги ўз мужассамини топган. Демак, топонимлар мана шу маънода ўзбек тилининг тарихий, лисоний бойлиги, халқ маънавиятининг улуғ мероси ҳамдир. Маълумки, топонимларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш тилшуносликдаги кўпгина масалаларни ҳал қилишда илмий ва амалий аҳамиятга эга. Аммо ўзбек тилшунослигида кам тадқиқ қилинган лингвистик муаммолардан бири топонимик индикаторлар масаласидир. Қуйида биз Сирдарё вилояти туманида *тепа* оронимик индикатори асосида шаклланган топонимлар ҳақида фикр юритамиз.

Топонимлар яшашда кўпроқ географик объект англатувчи, жойнинг релефи, ландшафтини ифодаловчи, умуман шу жойнинг табиий – географик тавсифи билан боғлиқ сўзларгина иштирок эта олади. Умуман, географик терминлар топонимик тизимда иштирок етиши ёки етмаслиги уларнинг объектларини фарқлаш, баъзи хусусиятларини конкретлаштира билиш ва мўлжал ифодай олиш хусусияти билан боғлиқдир. Чунки маҳаллий географик терминларининг вужудга келиши ҳам турли хил омилларга боғлиқ.

ҚАРҒАТЕПА – Сирдарё вилояти тумани Қ.Раҳматов фермерлар уюшмаси жанубий қисмида жойлашган қишлоқ. Унинг бундай аталишига сабаб баландлиги 25 метр бўлган тепалик атрофидан аҳоли ер очиб кўчиб келганда

тепалик доим қарғалар галасига тўла бўлган. Шундан сўнг аҳоли бу қишлоқни " Қарғатепа " деб аташган .

ЗАРТЕПА – Сирдарё вилоятидаги қишлоқлардан бирининг номи .Бу қишлоқда бир тепалик бўлиб,бунинг вужуда келиш тарихи қуюдагича: айтишларича, қадимда мана шу жойларда яшаган аҳоли бой –бадавлат ҳаёт кечиришган, уларнинг бойликлари, олтинлари кўп бўлган .Бир куни бу қишлоққа ўзга йерлардан босқинчилар бостириб киришади .Қишлоқни талон-тарож қилиб аҳолини қириб ташлашади .Бу ернинг бадавлат бойларидан бири уларга қарши бош кўтариб чиқади ва жангга киришади. Босқинчилар буларни ўзларига осонликча бўйсундира олмаслигини билиб, уларга ҳужум қилишади. Бутун қишлоғи билан биргаликда улар яшаётган кўрғон кўмиб ташланади.Бугунги кунда бу бир тепалик сифатида мавжуд болиб,аҳоли у йерни қабристонга айлантириб обод қилишган.Шу тариқа бу тепалик “Зартепа “ деган ном олган .

КУЛТЕПА – Қишлоққа бу номнинг берилиши тарихий бир воқеа билан боғланган бўлиб, айтишларича,бу йерга босқинчилар бостириб киришади. Қишлоқни вайрон қилиб ҳамма ёққа ўт қўйишади. Мана шу вақтда ҳамма ҳар тарафга қочади .Шунда ёш болали бир аёл боласини яшириш учун қозон тагига қо'йиб ўзи ёвлардан яширинади Хавф ё'қолиб ҳамма ёқ тинчигач,аёл боласининг аҳволини бориб кўрса ,болакай худонинг инояти билан соғ -омон экан. Бундан аёл жуда севинибди.

Ана ўша воқеадан сўнг қишлоқ кулга айланиб кетибди . Бу жойни эса инсонлар кулга айланган жой,яъни “Култепа” деб аташар экан. Бугунги кунда эса бу жойларда катта қишлоқ юзага келган бўлиб унинг номи ҳамон “Култепа” деб аталади .

Топонимлар таркибида келиб жой номининг қандай объектнинг атоқли оти эканини англатиб турувчи сўзлар топонимик индикатор деб юритилади. Индикаторлар нафақат қайд қилинган вазифани, балки объект номининг атоқли от бўлиб шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Юқорида Сирдарё вилояти микротопонимиясининг асосий типларини таҳлил қилдик. Ушбу топонимларнинг ҳар бири битта ёки бирдан ортиқ

топонегизлардан ясалган атоқли отлардир. Аммо ушбу топонегизларнинг баъзилари топонимия таркибида фақат бир марта учраса, баъзилари бир неча марта иштирок этади, айримлари эса кўплаб номлар таркибида учрайди. Демак, ушбу қонуниятга кўра, топонимларни ҳосил қилувчи негизлар топонимлар миқдоридан кам бўлади.

Ўзбек тилида сўзлар кўп, аммо бу сўзларнинг барчасидан ҳам топонимлар ясалмайди.

Бундан хулоса шуки, ўзбек тилидаги топонимларни ҳосил қилишда топонимия системаси талаб ва еҳтиёжларини қондира олувчи маълум миқдор сўзлар қатнашади. Мана шу сўзлар мажмуи номшуносликда топонимик лексика, топонегиз, тополексема деб юритилмоқда.

Маълум ҳудуд топонимияси негизида ётган тополексемаларни, уларнинг миқдорини аниқлаш маълум аҳамиятга эга.

1. Ҳудуднинг физикавий-жўғрофий хусусиятларини ифода етувчи топонегизлар.

1) Ҳудуднинг ландшафтини ифода етувчи топонегизлар. Буларга ҳудуднинг релефини, сувликларнинг хусусиятини ифода етувчи сўзлар киради: Шулликтепа, Қарғатепа, Қўштепа, Чоштепа, Оқтош.

2) географик объектнинг жойлашиш ўрнига ишора қилувчи топонегизлар: Пастқишлоқ, Ўртақишлоқ, Чуқурқишлоқ, Баландқишлоқ, Жарбоши, Тепакўрғон, Ёнбош, Ўртаовул, Башхижар.

3) географик объектнинг ҳажмини ифода етувчи топонегизлар: Каттасой, Майдонсой, Кичиксой, Каттачорбоғ, Кичикчорбоғ.

4) Объектнинг миқдорини кўрсатувчи топонегизлар: Қўштепа, Учқора, Қирқиз, Учбулоқ, Учариқ .

5) Жойнинг тупроқ хусусияти, ранг ва тусини ифода етувчи топонегизлар: Оқтепа, Оқтош, Оқгумбаз, Оқолтин, Оқмачит, Кўксарой, Кўкча, Учқора, Олтинтепа.

6) Объектнинг хусусияти ва шаклига ишора қилувчи топонегизлар: Чувак, Тасмачи, Камар, Чакалак, Сулукўрғон, Ёнбош, Сатилча.

7) Объектнинг табиий материали таркибига ишора қилувчи топонегизлар: Сангжуман, Харсангсой.

8) Объектнинг пайдо бўлиши даврига ишора қилувчи топонегизлар: Янгиқурилиш, Янгиобод, Янгийўл, Янгиработ, Наврўз.

9) Объект ва жойнинг хусусиятини баҳолаш маъносига эга бўлган топонегизлар: Шўрўзак, Шаррак, Мурдош, Сулувқудук.

10) Худуднинг ўсимликлар дунёси (флора)ни ифода етувчи топоасослар: Олмазор, Қовоқ, Ёнғоқли, Тиканли, Ошқади, Ёнғоқлисой, Бургансой.

11) Худуднинг ҳайвонот дунёси (фауна)га ишора қилувчи номлар: Қарғатепа, Бўталок, Қўчқорли, Бузоқхона.

12) Касб-хунар номларидан иборат бўлган топонегизлар: Нонвойлар, Михча, Чархчи, Айрончи, Кулол, Кулолчи, Чўпчи, Асалчилик.

13) Маҳаллий аҳолининг дастлабки худудий ўрнига ишора қилувчи топонегизлар: Тўқчи, Тасмачи, Авоқли.

14) Аҳолининг ижтимоий таркибига ишора қилувчи топонегизлар: Бойтўби, Хўжатўп, Қорача, Ешонтўп, Гадойлар, Улуғлар, Мўлтонилар.

16) Аҳолининг давр билан боғлиқ орзу ва идеалларини, интилишларини ифода етувчи топонегизлар: Янгиқурилиш, Дўстлик, Ёшлик, Мустақиллик, Тинчлик, Наврўз, Баҳор, Бўстон, Янгиҳаёт.

Сирдарё воҳаси қадимдан муҳим географик худуд бўлиб, бу ердан Сўғд, Чоч, Фарғонани боғловчи йўллар кесишмаси ўтган. Вилоят худудидаги энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари суғориш учун қулай бўлган дарё ва сой бўйларида пайдо бўлган. Дастлабки аҳоли вилоят худудидаги Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Мўқьолсов, Тоқьобсой, Сармичсой, Сирдарё бўйларида истиқомат қилган, Археологик тадқиқотлар дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари Хўжамушкентсой ва Шўрбулоқсой бўйларида бундан 3000 йил олдин пайдо бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу табиий, чунки юқоридаги сойлар серсув, уларнинг атрофидаги ерлар унумдор бўлган.Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликлар ичида энг қадимгилари Эски Ховос ва Нуртепа ёдгорликлари ҳисобланади. Улар милoddан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида қад кўтаради.Сирдарё вилoяти худудида араб

географлари томонидан эслатиб ўтилган иккита манзилгоҳ бор. Бу Сабат ва **Ховос**дир. Ховос шу номдаги рустакнинг маркази бўлган. Ёзма манбаларда у ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Араб географлари эса уни фақат карвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади. Ибн Хавқал Ховос йўли ҳақида: “Агарда ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўлидан бормоқчи бўлса, унинг йўлида Куркат учрайди”,- деган маълумот қолдирган. В.В.Бартолд эса Чирчиқ водийсига иккита йўл олиб борганлиги, биринчиси Ховосдан, иккинчиси Жиззахдан, деб ёзади. Ховоснинг Уструшона шаҳарлари қатори тилга олинмаганлиги, ўша даврда у кишлоқ бўлганлигидан далолат беради. Сирдарё вилоятининг шимолий шарқида Шош ва Уструшона чегарасида яна бир ўрта асрлар даврига оид шаҳар бўлган. У ёзма манбаларда тилга олинмайди. Унинг қолдиқлари Нурота ёдгорлигидир. Бу ердан топилган бўёқланган сопол идишлар унинг Шош билан алоқалари ривожланганлигидан далолат беради. Уларда Шош сополчилик мактабининг таъсири кўринади. Бундан ташқари, унда топилган нумизматик топилмалар Шошда чиқарилган. Бошқа томондан эса Уструшона материаллари билан алоқалари кўринади, жумладан, Култепанинг сомонийлар даври комплекси билан (Сабат) Сабатдан Ховос орқали Шошга олиб борадиган йўл Нуротадан ўтган. Ҳозирги кунда Нурота ёдгорлигидан аркнинг қисми сақланиб қолган, холос. Мовароуннаҳрда жанубий вилоятларни шимолий вилоятлар билан боғлаб турган серқатнов карвон йўли жойлашганлиги сабабли, шаҳар гуллаб яшнаган. Бу йўл араб географлари томонидан эслатиб ўтилади. Ибн Хўрдодбеҳнинг ёзишича, Ховосдан “аш-Шош дарёси қирғоғига 9 фарсах. Сўнгра кўприқдан Банокатга ўтилади”.

Вилоят тарихи ҳақида гувоҳлик берувчи ёдгорликлардан бири Сардоба тумани ҳудудида жойлашган **Сардоба** ёдгорлигидир. Сардоба форсча (сард -совуқ, зах, ҳамда об -сув) “муздек сув” деган маънони англатади.

Сардобалар карвон йўлларида қурилган ва улар карвондагиларнинг сувга бўлган еҳтиёжини қондирган. Ўтган аср тарихчиларининг ёзишича, Ёғочли сардобаси яқинида карвонсарой ҳамда боғ-роғлар бўлган. Сардоба гумбазсимон кўринишга ега. У ниҳоятда сифатли ғиштдан қурилган. Ђиштлар квадрат шаклида бўлиб, уларнинг ҳажмлари 25х25х5 сантиметрдир. Гумбазнинг ички диаметри 15 м,

баландлиги 12 метрни ташкил этади. Ички қисмида 2 метр баландликда ёпик, уясимон туйнуклар жойлашган. Ўтган асрда сардоба ичида европаликлар томонидан кудук қазилган. Ушбу кудукнинг деворлари ёғоч билан ўралган. Сардоба деворининг қалинлиги пастки қисмида 1,5 метрни ташкил этса, юқорига кўтарилган сари юпқалашиб боради. Енг юқори қисмида унинг қалинлиги бир ғишт кўринишида бўлади. Сувнинг айниб қолмаслиги учун сардобада учта махсус вентилион туйнуклар ўрнатилган. Гумбазнинг юқори қисми ҳам шу мақсадда очик қолдирилган. Шу сабабли ҳам сардоба суви муздек, тоза ва тиник бўлган.

Сирдарё вилояти Мирзачўлда жойлашган бўлиб, у 1963 йилда ташкил этилган. Вилоят маркази Гулистон шаҳри ҳисобланади. Вилоят шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Сирдарё вилоятининг ер майдони 4,3 минг квадрат километр бўлиб, 688,6 минг аҳоли истиқомат қилади. Сирдарё вилоятида асосан ўзбеклар (60%), шунингдек, қозок, тожик, рус, корейс ва бошқа 36 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. 1 кв. км.га 160 киши тўғри келади. Вилоятимизда ерни комплекс ўзлаштириш илк бор XX асминг 50 чи йилларда амалга оширилган. Асрлар давомида кимсасиз, тўқай ва бутазорлардан иборат Мирзачўл худудида ўзлаштириш ишлари натижасида обод шаҳар ва қишлоқлар, суғориш иншоотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳоказолар бунёд этилди. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Сирдарё вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 48 та қўшма корхона ташкил этилган. Уларнинг вилоят ялпи ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Вилоят иқтисодининг асосий қисмини аграр сектор ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги – пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот - полизчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Аграр ислохотлар муносабати билан вилоятдаги 100 дан ортиқ хўжалик тўлик фермер хўжаликларига айлантирилиб, бугунги кунда 8365 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, Вилоят саноат соҳасининг асосий турларини мамлакат электр энергиясининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаради.

Сирдарё ГРЭС ва Фарҳод ГЕСи ташкил қилади. Бундан ташқари пахта тозалаш заводлари, “Гулистонекстрактёғ” ХЖ, “Ховосдон” ва “Оқолтиндон”

комбинатлари, “Сарбонтекс”, “Лечивофармсаноат”, Лола Модел”, Сайхунмедтекс”, “Сайхунжел” каби қўшма корхоналар мамлакатимиз ички ва ташқи бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Вилоятда рўйхатга олинган 15345 та корхонадан 14857 таси кичик ва микрофирмалардир.

Сирдарё вилоятида катта каналларнинг излари сардобалар мавжуд. 70 км узунликдаги Ўринбўғиз, Искандарарик, Бухороарик, жуда қадимий каналлардандир. Шохрух ва Улуғбек Сирдарёдан Мирзачўлга канал орқали сув чиқаришган. Кейинчалик Мирзачўлнинг Жанубий шарқида Бўзарик Сирдарёнинг ўнг томонида Далварзинарик барпо етилган. Қиёт кўли ёнида Сирдарёдан сув оладиган майда ариқлар пайдо бўлган. Қадимги вилоят аҳолиси, асосан, сой ва чашмалар бўйида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечиришган. Вилоят ҳудудида Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғулсой, Тоғопсой, Сармичсой сингари сув манбалари бўлган. Сув балансининг бузилиши манзилларнинг йўқ бўлиб кетишига, бошқа жойга кўчиб ўтишига олиб келган.

2.2. Сирдарё вилояти топонимиясида ўз қатлам ва ўзлашган қатлам

Номларнинг пайдо бўлиш тарихи ва асослари кўпинча номнинг ясалиши ва грамматик структурасини таҳлил қилиш орқали белгиланади. Айниқса, истеъмолдан чиққан номлар ўрнини тўлдириш, янги объектларга янги номлар бериш муайян лисоний қонуниятлар асосида амалга ошади. Бунда икки йўл кўзга ёрқин ташланиб туради:

1. Янги ном ижод қилиш, яшаш усули.
2. Ўзга тиллардан ном ўзлаштириш усули.

Мана шу икки йўл билан топонимия фонди бойиб, янгиланиб боради.

Топонимик тизимнинг ўзгариши ва бойишида ҳар иккала усул ҳам муҳим. Аммо янги ном ижод қилиш, яъни янги ном яшаш йўли тилнинг ўз ички ресурсларига, имкониятларига таянгани, унда тилнинг миллийлик руҳи сақланадиган бўлгани учун афзалроқ, илғорроқ деб баҳоланади.

Топонимия, ишнинг олдинги саҳифаларида қайд этилганидек, тилдаги мавжуд лексик негизларга таянади. Шу билан бирга топонимиянинг бойиш йўллари ҳам тилдаги бор бўлган имкониятлардан фойдаланади. Аммо оддий лексика билан атоқли отларнинг ясалишида у ёки бу усул устунлик қилиши жиҳатидан фарқлар бўлиши мумкин. Масалан, Сирдарё вилояти топонимиясида номлар ясалишида синтактик ва ономастик конверсия усули устунлик қилади, морфологик усул эса каммаҳсулдир.

Сирдарё вилоятининг топонимик тизимини ҳудудлар кесимида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз (01.01.2014). Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳри ҳисобланади. Сирдарё вилояти 8 та туман: **Боёвут, Оқолтин, Сайхунобод, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Сирдарё ва Ховос.** Жами туманлар таркибида 27 та шаҳарчалар, 254 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд.

Гулистон шаҳрида 16 та маҳалла мавжуд: Сайқал, Бўстон, Улуғ юрт, Тараққиёт, Истиқлол, Янги ҳаёт, Навбахор, Маданият, Т.Аҳмедов, Баҳор, Ш.Рашидов, Намуна, Дўстлик, Аҳиллик, Улуғобод, Маънавият.

Сайқал маҳалласида 13 та кўча мавжуд. Булар: Мустақиллик, Фаровонлик, Жамбул, Райхон тор, Навбахор, Сайхун, Гулшан, Навбахор, Сайхун, Завқий, Тинчлик, Боғишамол, Гулшан.

Бўстон маҳалласида 51 та кўча номлари уй рақамлари билан белгиланган.

Улуғ юрт маҳалласида 21 та кўча мавжуд: Беруний, Мирзаев, Фарход, Ҳамза, Ғолиблар, Ойбек, Камолиддин, Нодирабегим, Бобур, Зулфия, Рудакий, Ахунбобоев, Суғдиёна, Наврўз, У.Юсупов, Беруний, Ғалаба, Ҳамза, Ойбек, Проект, Буюк ипак йўли.

Тараққиёт маҳалласида 23 та кўча мавжуд: Ал-Хоразмий, Ш.Рашидов, Привокзальная, Халқлар дўстлиги, С.Алимов, Туркистон, Низомий, 8-Март, Сайхун, Навоий шоҳ кўчаси, Темир йўл, С.Алимов, Дўстлик, Н.Зокиров, Фирдавсий, Шифокор ва бошқалар.

Истиқлол маҳалласида 19 та кўча уй рақамлари билан белгиланган ва Истиқлол кўчаси мавжуд.

Янги ҳаёт маҳалласида 26 та кўча мавжуд: М. Турсунзода, 18 квартал Абдурахмонова, 18 квартал Урикзор, 18 квартал Р.Бобожонов, 18 квартал А.Урта кучаси, 18 квартал А.Жомий, 18 квартал А.Икромов, 18 квартал Ф.Хужаев, Ўзбекистон шох кучаси, Жамбул, Набиев, Увайсий, Бахор, С.Рахимов, Бегматов, Э.Жуманбулбул, Бегматов, Н. Махмудов, Аноров, Ўзбекистон Овози, М.Турсунзода, Олчазор, Самарканд, Р.Анаров, Н.Махмудов, Янка Купала, 19 квартал кучаси.

Навбахор маҳалласида: Дўстлик, Ғалаба, Фирдавсий, Низомий, С.Алимов, Абдурахмонов, Поюхова, У.Носир, Т.Ахмедов, Богишамол тор кўчаси, Янги Хаёт, Укубоев, Укубоев, Андижон, Зафаробод, Х.Олимжон тор кўчаси, Ўзбекистон шох кўчалари мавжуд.

Маданият маҳалласида: Тўйчибоев, Мирзаев, Ғолиблар, Беруний, Дехқон, Наврўз, Зомин, Тўрабеков, Бозорбоев, Охунбобоев, Отажонов, Амир Темур, Маърифат кўчалари мавжуд.

Т. Ахмедов маҳалласида 22 та кўча уй рақамлари билан белгиланган ва Курувчилар кучаси ва Н. Зокиров кучаси мавжуд.

Бахор маҳалласида: Тошкент, Хотамбоев, Ёшлар, З.Кодиров, У.Юсупов, Дустлик, Проектная, Б.Саматов, С.Шодмонова, Андиржанов, А.Сулаймонов, А.Хайдаров, Нурмат Ота, Янги Хаёт, Тошкент йўли кўчалари мавжуд.

Ш. Рашидов маҳалласида: Навоий шох кўчаси, Т.Ахмедов, Андижон, Улугбек, С.Алимов, Абдурахмонов, Ш.Рашидов, Алламуродов, Навоий шох кўчаси, Янгилик тор кўчаси, Андижон, Мирзачўл тор кўчаси, Мустақиллик, Ўзбекистон, Олмазор, А.Яссавий, У.Носиров, Т.Ахмедов, Тинчлик тор кучаси, Субҳидам Панюхова, Анхор бўйи, Андижон, Т.Ахмедов, Субҳидам Панюхова, "Анхор" бўйи кўчалари мавжуд.

Намуна маҳалласида: Х.Дустлик, Н.Зокиров, Н.Махмудов, Ал-Хоразмий, Мустақиллик, Эшонхуджаева, Маданият, Саноатчи, Братский, Завкий, Бухоро, Ўзбекистон, Сайхун, Бухоро, Сайхун, Туркистон, Истиклол кўчалари мавжуд.

Дўстлик маҳалласида: Абдуллаев, Абдуллаев Пастки Кисм, Г.Хамрабоев, Рахимов, Солиев, Султонов, Т. Ахмедов, Тоғайназаров, Ўнг сохил, Хамрабоев, Хўжаназаров, Хўжаназаров пастки қисми, Чўлпон, Чўлпон пастки қисми, Юлчиев кўчалари мавжуд.

Аҳиллик маҳалласида: С.Айний, Бехизор, Ш, Руставели, Бахт, Ахиллик, Саркисов, Абай, А.Каххор, Привагзалний, Г.Гулом, Ўзбекистон, Самарканд, Гулзор, Ахтамова, У.Хаём, Умар Хаём, Айний, Ш. Руставели, Бахт, Бехизор, Абай кўчалари.

Улуғобод маҳалласида: Риксиева, Тошкент, Аверьянова, Ф. Ходжаев, Ойбек, Темир йўл, Жўрабой, А.Султон, Жонибеков, А.Султон, Нодира, А.Икромов, Истиклол, А.Хоразмий, Нуравшон, Рудакий, Зулфия, Ойбек, Темир йўл, Жўрабой, Жонибеков, Бобур, Навбахор, Нуробод, Боғдорчилик кўчалари.

Маънавият маҳалласида: Данёров, Беруний, Мирзаев, Сувчилар, Навоий, Муқимий, Сугдиёна, Рудакий, Голиблар, Фарход кўчалари мавжуд.

Сирдарё – вилоят номи ҳисобланади. Бу ном шу ҳудуддан оқиб ўтувчи дарё номидан олинган. Сирдарё топонимининг келиб чиқишига назар солсак, унинг номлари кўп бўлган. Қадимги юнон тарихчиларининг асарларида *Яхартес* (Яксарт), баъзан *Танаис*, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Дану, Яоша, X асрда ёзилган “Худуд ул-олам” қўлёзмасида Хашарт, Руник туркий ёзувларда Енчиўгуз, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида ва Ҳамдаллоҳ Қазвийнинг “Нузҳат ал-қулуб” асарида Гулзарриюн, араблар келгандан кейинги кўпгина солномаларда Сайхун, араб географи Ибн Хурдодбех асарларида Хишарт ёки Қанқар, Берунийда Хасарт шаклларида тилга олинган. Шу билан биргаликда у қайси ердан оқиб ўтишига қараб, Оби Фарғона, Ўзган дарёси, Оби Хўжанд, Нахр аш-Шош, Банокат дарёси каби номлар билан аталган. Шуни айтиш керакки, Яхартес ва Яксарт ҳам, Хашарт ва Енчиўгуз ҳам Марварид дарёси деган маънони англатган.

Хўш, дарёнинг ҳозирги номи– Сирдарё қачон пайдо бўлган? Рим тарихчиси Плиний дарёни скифлар (саклар) Силис дейдилар деб ёзган эди. Баъзи олимлар (В.В.Бартолд, С.Г.Кляшторний, Ҳ.Ҳасанов) Силис – Сир сўзининг айнан ўзгинаси деб биладилар. Демак, Сирдарё қадим замонданок,

ўрта ва юқори оқимларда Яксарт, қуйи оқимида Силис деб аталган. XIII–XIV асрларда Сирдарё этагида Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набираларининг ўрдаси Сирўрда деб аталган. Бу фактлар дарёнинг қадимги номларидан бири 2000 йил давомида халқ оғзида сақланибгина келмасдан, кўчманчи ўзбек қабилалари Моварауннаҳрни босиб олгач, аста –секин дарёнинг асосий номи (Сирдарё) бўлиб қолганини кўрсатади.

Сирдарё сўзининг маъноси нима? Дарё номи сир, яъни “ранг, бўёқ”, “Сарик дарё” (лойқа сувли дарё), “Сероб” (Серсув), “Сирт дарё” (тоғ сиртларидан, тепаларидан оқиб келадиган дарё) деган маъноларни билдиради деювчиларнинг фикри нотўғри эканлигини профессор Х.Ҳасанов айтиб ўтган эди. Бу азим дарё шу атрофларда яшаган Сар (Силис- сир) қабиласи номи билан аталган дейиш анча ҳақиқатга яқинроқ. Худудда Сирдарё номи билан аталувчи туман ҳам, шаҳар ҳам мавжуд.

Гулистон- “ Гуллар маскани” демакдир. Гул сўзи форс-тожикчадан келиб чиққан бўлиб ўсимлик деганидир. – истон жой номларини ясовчи сермахсул формантлардан биридир. Гулистон деб ном берилишининг сабаби Мирзачўлни обод ва фаровон воҳага айлантиришга саъй-ҳаракат қилаётган халқнинг орзу-мақсадини билдиради.

Боёвут- Республикамиз худудида қадимдан яшаб келган уруғ-лардан бири. Рашид ад-диннинг “Жоме ут-таворих”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида Чингизхон кўшинлари билан бирга келган қабилалар орасида ҳам боёвут уруғи тилга олинган. Боёвут “бой”, тўғрироғи “бойлар” демак. Қозоқларнинг арғин қабиласи таркибида ҳам баяут уруғи қайд қилинган. Баъзи бир олимлар (бошқирд олими Р.Г.Кузеев) боёвут билан баёт аслида бир қабила деб ҳисоблайди.Боёвут сўзининг келиб чиқиш тарихига назар солсак, уруғ номидан ташқари ҳам бир неча тахминлар бор. Қадимда бу ер отларга бой бўлган ва “отга бой”, “бой от” сўзларидан келиб чиққан дейилса, бу ерлар ўтга бой, “бой ўт” сўзидан келиб чиққан дейилади.

Бундан ташқари, кўпгина аҳоли пунктлари этнонимлардан иборат. Географик номлар кўпинча географик объектни ифодаладиган тушунчадан

бошқа маъно англатмай қўяди. Масалан, Боёвут туманида жойлашган **Қорақишлоқ** деганда, кичикроқ аҳоли пункти тушунилади. Қишлоқ ҳам қора рангда бўлармикан деган савол ҳаммада ҳам пайдо бўлавермайди. Бу қишлоқнинг номи қора деган уруғ номидан келиб чиққанини ўзбек уруғ қабилаларини майда тармоқларигача биладиган этнографгина айтиб бера олиши мумкин. Асли географик номлар халқ ижоди маҳсулидир. Кўпинча топонимлар дабдурустдан пайдо бўлмайди. Дастлабки географик объектлар, масалан, қишлоқ турлича аталиши мумкин. Айтайлик, релефига, сув манбаига уни ўзлаштиришга ҳисса қўшган кишиларнинг исмларига қараб “фалончи қишлоқ”, “фалончининг қишлоғи” деб юритилиши мумкин. Бора-бора шу номлардан бири ютиб чиқади. Масалан, у *найман уруғининг қишлоғи* номини олади. Бунда чинакам топонимга айланиш жараёни тугамаганидан топоним бутун бир гапдан иборат ва ишлатиш учун қўпол бўлади ва тилнинг лексик воситаларини тежаш қонуниятига кўра бу топоним ниҳоят **Найман** шаклини олади. Мирзаобод туманида Найман маҳалласи мавжуд. Этнограф Н.А.Аристов *найман* сўзи Сибирдаги Найма дарёси номидан олинган дейди. Сўнгги маълумотларга кўра, найманлар асли туркий қабила бўлиб, *саккиз ўғуз* номини мўғуллар ўз тилларига мослаб найман деб атаганлар. **Уяс** Боёвут туманида жойлашган маҳаллалардан бири. Уяс марқа уруғининг 16 тармоғидан биридир. Уяс бошқа уруғлар таркибига ҳам кирган. Масалан, солин уруғининг бир шохи *уяссолин* дейилади. Қадимий тилшунос олимлардан Абу Ҳайён ал- Андалусий ва Жамолиддин Тусий асарларида уяз сўзи “пашша, чивин” деб изоҳланган. Бундан ташқари Боёвут туманида **Қарапчи** аҳоли пункти ҳам мавжуд. Қарапчи

уруғи баъзи бир рўйхатларда⁹² бовли ўзбек уруғларидан бири қаторида тилга олинган; Сурхондарё вилоятида қарапчи¹⁶ урукқа бўлинади, баъзан эса юз уруғининг катта бир бўлаги сифатида қайд қилинган. Баъзи бировлар қарапчи сўзини “қаровчи”, назорат қилувчи “қўмондон” деб изоҳлайдилар. Қарапчи сўзининг “қашшоқ” маъноси ҳам бўлган.

Бешбулоқ-Ўзбекларнинг турк уруғи вакиллари яшайдиган турк қишлоғи номи. Бу атаманинг келиб чиқишига қишлоқ чегарасида булоқлар кўплиги сабаб бўлган. Бу қишлоқ вакиллари Мирзачўлни ўзлаштириш ҳаракати вақтида ҳозирги Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида дарё бўйида ташкил қилган қишлоққа ҳам **“Бешбулоқ”** номини қўйишган. Гулистон тумани таркибида ҳозирда Бешбулоқ шаҳарчаси мавжуд.

-обод аффиксини киши номларига қўшиш орқали ясалган топонимлар ҳам кўп учраши Сирдарё худуди учун хос. Масалан: Боёвут туманида Мўминобод, Йўлдошобод, Юсуфобод, Умурзоқобод, Усмонобод, Собиробод; Сайхунобод туманида Нурматобод; Гулистон туманида Исломобод; Ховос туманида Боймуродобод, Зафаробод ва бошқалар. *Обод* форсча “аҳоли пункти” деган маънони билдиради. Демак, бу қўшимча қўшилган жой номи “фалончи шаҳри ёки қишлоғи” демакдир.

Шаҳар ва қишлоқларнинг тез сурътлар билан ўсиши ва ривожланиши уларга янги типдаги жой номларини бериш имкониятини яратади. Барпо этилаётган аҳоли пунктларига ўша жойнинг халқона номини бериш мақсадга мувофиқ, агар бундай ном бўлмаган тақдирдагина янги ном танлаш мумкин, шунда ҳам ном бериш санъат эканлигини унутмаслик даркор. Берилаётган янги номлар аввалгисидан фарқ қилиши, такрор бўлмаслиги ҳамда мавжуд топонимик тизим қоидаларини бузмаслиги лозим.

Вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган топонимик комиссиялари ишини жонлантириш зарур. Комиссия аъзолари

маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигида шаҳар ва туманлардаги барча географик объектлар номларини илмийлигини текшириб уларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим. Мулкчилик шаклидан қати назар ҳар қандай муассаса ташкилотга ном танлашда топонимик комиссияни маслаҳати билан иш кўриши мақсадга мувофиқ.

Вилоят ва туманлардаги топонимик комиссия аъзолари географик объектларга ном беришда ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олмоғи лозим. Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олган ҳолда, топонимларни маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига хизмат қилиши лозимлигини ҳам унутмаслик лозим.

Географик объектларга янги номларни танлаётган мутахассисларни ота-боболаримиз бизга қандай номларни мерос қилиб қолдиргану, биз келажак авлодларга қандай географик номларни қолдиrypмиз деган, андиша ҳар доим безовта қилиши шарт. Географик объектларга ном бериш ва уларни ўзгартиришда қуйидаги илмий талаб ва мезонларга амал қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

-географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик керак;

-ном мазкур географик объект жойлашган ердаги топонимик тизимга мос тушиши лозим;

-ном жойнинг маълум табиий, ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятларини ифодалаб, жой ва ном ўзаро иттифокда бўлмоғи лозим;

-ном ўша ҳудудда яшовчи аҳоли тилининг лисоний хусусиятларига ёт бўлмаслиги унда топонимик анъанавийлик, тарихийлик, миллийлик сезилиб турмоғи керак;

- ном шаклан содда, оригинал, тушунарли ва қисқа, лўнда, кўпи биланикки ёки уч таркибий қисмдан (уларни бири қўшимча бўлиши мумкин) иборат бўлиб, мўлжаллик (ориентирлик) вазифасини бажарсин;

-янги ном ўша ҳудудда аввал мавжуд бўлган номларни такрорламаслиги, эсда осон сақланиб қоладиган, талаффузда енгил ва қулай бўлмоғи даркор;

-географик ном иложи борица, мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлмоғи даркор;

-тарихий номлар ўтмиш гувоҳлари, улрни географик, лисоний, тарихий, сиёсий ва илмий аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиб ўзгартирмаслик лозим;

-географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, хизмат мавқеини суистеъмол қилишҳолларини истисно қилиш зарур.

Таклиф қилинган талаб ва мезонлар географик объектларнинг номлашда мавжуд бўлган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Географик номларни ўзгартиришга кўп ҳам мафтун бўлиш керак эмас, замонавий номлар иштиёқида тарихий жой номларидан воз кечиш мутлақо ярамайди. Шу билан бирга қайта-қайта такрорланадиган жой номлари кўпайиб кетмаслиги керак, чунки улар жой номларини мазмун жиҳатдан қашшоқлаштиради, бошқача айтганда жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий топонимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

Вилоят ҳудудида “янги” сўзи билан бошланадиган ўнлаб аҳоли пунктлари мавжуд. Масалан, вилоят харитасида саккизта Янгиҳаёт, Янгиобод, Янгиовул, Янгибўстон, Янгиқурилиш, Янгитурмуш каби номларнинг бир неча бор такрори сабабли, давлат идоралари, транспорт, тез ёрдам, почта ва шу каби ташкилотлар ишида чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин.

Қонун талабидан келиб чиқиб вилоят ҳудудидаги туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шохкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исм-шарифини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида йўл қўймаслик лозим. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Машҳур кишиларнинг номини топонимлар сифатида абадийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни оқилона амалга оширилгани маъқул. Шарқда қадимдан йирик географик объектларга машҳур кишиларнинг исмини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам шундай бўлгани маъқул. Кишилар хотирасини абадийлаштиришни бошқача, яъни асарларини чоп этиш, улар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммабоп рисоалар нашр этиш ва ҳоказо каби имкониятлар ҳам борлигини унутмаслик керак. Бошқача айтганда, цивилизациянинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлаш номақбул принцип.

Топотопонимлар

Топонимияда бир объектнинг атоқли оти билан бошқа бир объектни ҳам аташ, яъни объектлар номининг биридан иккинчисига кўчиши, аниқроғи топонимдан топоним ҳосил қилиш маълум даражада кенг тарқалган характерли ҳодисадир. Бундай номлар негизида топоним ёца, яъни топонимдан топоним ҳосил қилинса *топотопонимлар* деб юритилади. Топотопоним топонимик негиздан ҳосил бўлган топонимдир. Топонимнинг янги, қўшимча вазифага ўтиши, асосан, ономастик конверсия – номни функционал кўчириш орқали юз беради.

Топотопонимларнинг ҳосил бўлишида икки хил жараён ёрқин кўзга ташланади: 1) ёнма-ён, яқин жойлашган объектларнинг номи биридан иккинчисига ўтади; 2) аксинча, узоқ жойлашган объектларнинг номи бири-бирига ўтади. Топотопонимларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари ҳали топонимияда яхши ўрганилган эмас. Бунга сабаб ном кўчиши мураккаб жараён бўлса, иккинчидан, биридан иккинчисига ўтган номларнинг қайси бири дастлабки ном эканини аниқ белгилашни талаб қилади. Чунончи: Лангар деган қишлоқ ҳам, тоғ ҳам, муқаддас қадамжой бор ёки Майдонсой деган қишлоқ ҳам, сой ҳам бор. Қайси бирининг номи қайсисига ўтган? Топонимик шакл

дастлаб қайси объектнинг номи бўлган? Бундай масала топоним мансуб бўлган жойга бориб аниқлашни талаб қилди. Бизнинг Сирдарё вилояти топонимияси юзасидан кузатишларимиз битта ном (топоним)нинг кўп ҳолда бирдан ортик объектнинг номи бўлиб келишини кўрсатди. Биз тўплаган материаллар орасида 2,3,4,5 тагача объектга ном бўлиб келган топонимлар мавжуд. Қуйида ушбу номлардан намуналар келтирамиз:

Иккита объектнинг номи бўлиб келувчи топонимлар. Булар қуйидагилар:

- Қишлоқ ва маҳалла номи: Галабек, Чангир, Жалойир, Қорача.
- қишлоқ ва қудук номи: Шўрқудук, Қудукбоши.
- қишлоқ ва масжид: Оқмачит.
- қишлоқ ва сой номи: Майдонсой, Каттасой, Бургансой, Калтасой, Олтинсой, Боғчакалон (сой, қишлоқ, кўприк).
- қишлоқ ва тоғ номи: Лангар.
- қишлоқ ва тепалик номи: Қарғатепа, Қўштепа, Учқора.
- қишлоқ ва булоқ номи: Маржонбулоқ.
- маҳалла ва кўча номи: Баҳор, Бўстон, Ўртаовул, Мустақиллик, Камар.
- маҳалла ва қадамжой: Чечакота, Лангарота, Гадоиселкин.
- маҳалла ва тепалик номи: Довтепа, Қарғатепа, Қўштепа, Олтинтепа.
- қишлоқ ва жарлик: Жарбоши.

Сирдарё вилояти туманлари таркибидаги аҳоли пунктларининг топонимик рўйхати:

Оқолтин тумани
"Сардоба" шаҳарча
"Фарғона" шаҳарча
"Андижон" шаҳарча
қ.а.п. Бўстон
қ.а.п. Ғалаба
қ.а.п. Бобур номли
қ.а.п. Мардон (Тугатилди)
қ.а.п. Мусамухамедов номли (Тугатилди)
қ.а.п. Х. Омонов номли (Тугатилди)
қ.а.п. Найман
қ.а.п. Учтом
қ.а.п. Шодлик

қ.а.п. Имом ота
Боёвут тумани
"Боёвут" шаҳарча
"Марказ" шаҳарча
"Бекат" шаҳарча
"Дўстлик шаҳарча" шаҳарча
қ.а.п. Нов қишлоғи
қ.а.п. Ўзбекистон
қ.а.п. Қора қишлоқ
қ.а.п. Пахтакор
қ.а.п. Табор
қ.а.п. Озодлик
қ.а.п. Муминобод
қ.а.п. Мукумий номли
қ.а.п. Б. Умурзоқов номли
қ.а.п. Уяс
қ.а.п. Мустақиллик
қ.а.п. Жар боши
қ.а.п. Султонховуз
қ.а.п. Ғаллакор
қ.а.п. Йўлдошобод
қ.а.п. Навоий номли
қ.а.п. Олмали
қ.а.п. Болғали
қ.а.п. Янгиобод
қ.а.п. Юсуфобод
қ.а.п. Дарвазакир
қ.а.п. Бўз
қ.а.п. Каҳрамон
қ.а.п. Карапчи
қ.а.п. Умурзоқобод
қ.а.п. Бўз
қ.а.п. Ш. Холмуродов номли
қ.а.п. Гулистон
қ.а.п. Олмазор
қ.а.п. Охунбобоев
қ.а.п. Совотобод
қ.а.п. Сармич
қ.а.п. Минчинор
қ.а.п. Ширин
қ.а.п. Чашма
қ.а.п. Навбаҳор
қ.а.п. Халқобод
қ.а.п. Минг терак
қ.а.п. Янги овул

қ.а.п. Буюк юрт
қ.а.п. Ўз.мус.-10 йил
қ.а.п. Усмонобод
қ.а.п. А. Хайдаров номли
қ.а.п. Х. Олимжонов номли
қ.а.п. Ижодкор
қ.а.п. Миришкор
қ.а.п. Бунёдкор
қ.а.п. Маданият
қ.а.п. Янгибўстон
қ.а.п. Сангзор
қ.а.п. Бахмал қишлоқ
қ.а.п. Турк овул
қ.а.п. Тупиковул
қ.а.п. Дўстларобод
қ.а.п. Дўнг овул
қ.а.п. Тожик овул
қ.а.п. Уч ёғоч
қ.а.п. Собиробод
қ.а.п. Амир Темур номли
қ.а.п. Юқори овул
қ.а.п. Лайлаккул
қ.а.п. Н. Ғафуров номли
қ.а.п. Н. Махмудов номли
Сайхунобод тумани
"Сайхун" шаҳарча
"Соҳил" шаҳарча
"Шўрўзак" шаҳарча
"Пахтакон" шаҳарча
қ.а.п. Гулбулоқ
қ.а.п. Дўстлик
қ.а.п. Турковул
қ.а.п. Робот
қ.а.п. Навкирон
қ.а.п. Мустақиллик
қ.а.п. Қозоқовул
қ.а.п. Пахтаобод
қ.а.п. Зарбдор
қ.а.п. Отамакон
қ.а.п. Олгабос
қ.а.п. Сентоб
қ.а.п. Саритепа
қ.а.п. Қумовул
қ.а.п. Ёшлик
қ.а.п. Учқун

қ.а.п. Паймард
қ.а.п. Ўзбекистон
қ.а.п. Хисор
қ.а.п. Иттифок
қ.а.п. Ободон
қ.а.п. Ш. Рашидов номли
қ.а.п. Нурматобод
қ.а.п. Намуна
қ.а.п. Қурултой
қ.а.п. Парпи-ота
қ.а.п. Калпе
қ.а.п. Шолкушек
қ.а.п. Каржоу
қ.а.п. Бахмал
қ.а.п. Бултай
қ.а.п. Янги ҳаёт
қ.а.п. Ахчоб
Гулистон тумани
"Дехқонобод" шаҳарча
"Хўлкар" шаҳарча
"Бешбулоқ" шаҳарча
"Улуғбек" шаҳарча
"Халқакўл" шаҳарча
қ.а.п. Боёвут
қ.а.п. Г. Юнусов
қ.а.п. Мустақиллик
қ.а.п. Навоий номли
қ.а.п. Бирлашган
қ.а.п. Турковул
қ.а.п. Янги ҳаёт
қ.а.п. Шарқ ҳақиқати
қ.а.п. Ватан
қ.а.п. Фурқат
қ.а.п. Ўзбекистон
қ.а.п. Чорвадор
қ.а.п. Уювли
қ.а.п. Исломобод
қ.а.п. Чортоқ
қ.а.п. Халқобод
қ.а.п. Т. Азизов номли
қ.а.п. Х. Олимжон-1
қ.а.п. Х. Олимжон-2
қ.а.п. Бахмал
қ.а.п. Оқолтин
қ.а.п. Тажрибакор

қ.а.п. Маданият
қ.а.п. Туркистон
қ.а.п. Мевазор
қ.а.п. Юлдуз-2
қ.а.п. Бирлашган
қ.а.п. Юлдуз-1
қ.а.п. Зарбдор
қ.а.п. Сохилобод
Сардоба тумани
"Пахтаобод" шаҳарча
қ.а.п. Янгиҳаёт
қ.а.п. Навоий номли
қ.а.п. Бўстон
қ.а.п. Чўл обод
қ.а.п. 2-кўтарма
қ.а.п. Янги турмиш
қ.а.п. Янгиқишлоқ
қ.а.п. Бахмал
қ.а.п. Гулзор
қ.а.п. Х. Олимжон номли
қ.а.п. Янгиобод
қ.а.п. Баҳор
қ.а.п. Зоминлик
қ.а.п. Янгиқишлоқ
Мирзаобод тумани
" Наврўз" шаҳарча
" Оқолтин" шаҳарча
қ.а.п. Баҳористон
қ.а.п. Дўстлик
қ.а.п. Ойдин
қ.а.п. Найман
қ.а.п. Пахтакор
қ.а.п. Қурулиш
қ.а.п. Т. Ахмедов номли
қ.а.п. Элобод
қ.а.п. Дехқонобод
қ.а.п. Бангладеш
қ.а.п. Балиқчилик
қ.а.п. Ристуби
қ.а.п. Янги овул
қ.а.п. Солин
қ.а.п. Жувонсийроқ
қ.а.п. Чинобод
қ.а.п. Дўнгариқ
қ.а.п. Чолживут

қ.а.п. Бойтуби
қ.а.п. Пахтаобод
қ.а.п. Барлос
қ.а.п. Янгиҳаёт
қ.а.п. Янги қадам
қ.а.п. Беш қуш
қ.а.п. 8-март
қ.а.п. Олға
қ.а.п. Ёшлар
қ.а.п. Боғистон
қ.а.п. Тошкент
қ.а.п. У. Юсупов
қ.а.п. Пиллакор
қ.а.п. Халқобод
қ.а.п. М. Улуғбек
қ.а.п. Баҳор
қ.а.п. Асалчилик
қ.а.п. Янги-ҳаёт
қ.а.п. Найман
қ.а.п. Беруний номли
қ.а.п. Йўлдошобод
Сирдарё тумани
Сирдарё шаҳри
Бахт шаҳри
"Куёш" шаҳарча
"Малик" шаҳарча
"Зиекор" шаҳарча
"Ж.Маманов" шаҳарча
қ.а.п. Истиқлол боғи
қ.а.п. Навбаҳор
қ.а.п. Эмбекчи
қ.а.п. Деққонобод
қ.а.п. Иттифоқ
қ.а.п. Бойкул
қ.а.п. Навоий номли
қ.а.п. Янгиобод
қ.а.п. Бунёдкор
қ.а.п. Пахтакор
қ.а.п. Ёшлар
қ.а.п. Малик
қ.а.п. Богора
қ.а.п. Чорвадор
қ.а.п. Навруз
қ.а.п. У.Юсупов
қ.а.п. Сафар ота

қ.а.п. Хамза
қ.а.п. Янги ҳаёт
қ.а.п. Самарқанд
қ.а.п. Б. Бекжанов
қ.а.п. Болкиёғоч
қ.а.п. Мевазор
қ.а.п. Козоковул
қ.а.п. Чибинтой
қ.а.п. Хақиқат
қ.а.п. Козоковул
қ.а.п. Сирдарё
қ.а.п. Ўзбекистон
қ.а.п. Деҳқонобод
қ.а.п. Шоликор
қ.а.п. Меҳнат
Ховос тумани
"Ҳовос" шаҳарча
"Гулбаҳор" шаҳарча
қ.а.п. Бинокор
қ.а.п. Кукони-карапчи
қ.а.п. Парчаюз
қ.а.п. Чамбил
қ.а.п. Наврўз
қ.а.п. Навоий номли
қ.а.п. Зафаробод
қ.а.п. А.Темур номли
қ.а.п. Туркистон
қ.а.п. Мустақиллик
қ.а.п. Оқчангал
қ.а.п. Разъезд 3
қ.а.п. Ўзбекистон тукинчилиги.
қ.а.п. Шарқобод
қ.а.п. Файзобод
қ.а.п. Қарақум
қ.а.п. Ругунт
қ.а.п. Сохибкор
қ.а.п. Боғистон
қ.а.п. Қайирма
қ.а.п. Туркистон
қ.а.п. Чирой
қ.а.п. К.Такаев номли
қ.а.п. Пашши
қ.а.п. Боймуротобод
қ.а.п. Увок
қ.а.п. Қайирма

қ.а.п. Ислон
қ.а.п. П. Кайирма
қ.а.п. Ховотоғ
қ.а.п. Хуснобод
қ.а.п. Чаманзор
қ.а.п. Кахрамон

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Сирдарё вилояти топонимияси фонди икки усулда ривожланиб ва бойиб борган. Янги ном ижод қилиш ёки объектни бошқа тилдан ўзлашган ном билан аташ. Маҳсулдори биринчи усулдир.

2. Сирдарё вилояти ҳудуди топонимияси учун характерли бўлган хусусиятлардан бири битта номнинг икки ва ундан ортиқ жўғрофий объектларнинг атоқли оти бўлиб келишидир. Кузатишлар бу ҳудудда баъзи топонимларнинг тўртта, ҳатто олтита объектга ном бўлиб кела олишини кўрсатди: Оқтош –булоқ, дара, тоғ ва муқаддас қадамжой номи каби.

3. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида исломгача ва ислом дини тарқалган дастлабки асрлардаги тарихий ёзма манбалардан маълум бўлишича, ушбу ҳудудда келиб чиқиши асл ўзбекча бўлган номлар кенг тарқалган. Бу минтақа топонимиясининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, сўнгги асрлар ёзма манбаларида ва ҳозирги даврдаги минтақа ўзбек топонимияси таркибида келиб чиқиши қадимги туркий тиллар билан боғлиқ бўлган топонимлар ҳам кенг тарқалганини тасдиқлайди. Ушбу номлар илк ўрта асрлардаги тарихий ёзма манбаларида қайд қилинмаган бўлса ҳам, аммо улар қадимги туркий тиллар негизида шаклланганлигини инобатга олиб, ўзбек топонимлари минтақа топонимиясида анча қадимги даврларда пайдо бўлган деган хулосага келиш мумкин.

4. Шунини айтиш керакки, юқорида баён этилган этимологиялар узил-кесил ечимини топган дейиш қийин. Аммо, шубҳасиз келажакда Ўзбекистон, жумладан Сирдарё вилояти ўзбек топонимиясини тадқиқ этиш жараёнида муайян қўшимчалар, ўзгартиришлар киритилади ва таклиф қилинган этимологиялар ўз тасдиғини топади. Шу билан бирга қайд қилиш керакки, ҳали маъно-мазмунини аниқланмаган ёки маъхум бўлган географик номлар минтақа

топонимияси таркибида кўплаб топилади. Улар келажакда тадқиқотчилар томонидан туркий тиллар асосида ўрганилиб этимологияси аниқланади.

5. Минтақа топонимияси таркибидаги айрим генезиси аниқланмаган, шубҳали, баҳсталаб топонимларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, сон жиҳатдан ўзбек топонимлари катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Шу сабабдан, ишонч билан қайд қилиш мумкинки, минтақадаги мавжуд географик номлар илк ўрта асрлардан бошлаб, минтақада яшаган туркий халқларнинг этногенезисини аниқлашда ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, милодий асрлар бошидан то ҳозирга қадар минтақа аҳолисининг асосий қисмини туркий халқлар ташкил этган. Улар нафақат ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудудидан балки, Еттисувдан бошлаб то Хуросонгача кенг тарқалган. Энг қадимги ўзбек топонимлари анча аввал шаклланган. Этимологик жиҳатдан уларнинг маъно-мазмунини аниқлаш унча қийин эмас.

6. Сирдарё вилояти топонимияси кўплаб олимларни ўзига жалб қилиб келган. Хусусан: М.Кошғарий, З.М.Бобур, араб географларидан Ибн Хурдодбех, Ҳамдаллоҳ Қазвиний, жумладан зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам айрим маълумотлар учрайди.

7. Сирдарё вилояти топонимиясининг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, туманлар таркибида 30 дан ортиқ киши номлари билан аталган аҳоли пунктлари мавжуд. Гулистон шаҳрининг 100 дан ортиқ кўчаларига такрор ва такрор киши номлари берилган. Айрим маҳалла кўчалари деярли киши номлари билан аталади. Машҳур кишиларнинг номини топонимлар сифатида абадийлаштириш аслида ёмон иш эмас, аммо бу ишни оқилона амалга оширилгани маъқул. Шарқда қадимдан йирик географик объектларга машҳур кишиларнинг исмини бериш расм бўлмаган, ҳозир ҳам шундай бўлгани маъқул. Кишилар хотирасини абадийлаштиришни бошқача, яъни асарларини чоп этиш, улар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммабоп рисоалар нашр этиш ва ҳоказо каби имкониятлар ҳам борлигини унутмаслик керак. Бошқача айтганда,

свилизациянинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлаш номақбул принцип.

8. Сирдарё вилояти ҳудуди топонимиясининг изоҳли, этимологик луғатларини тузиш, бу ҳудуд топонимларини ёндош ҳудудлар топонимияси билан қиёсий ўрганиш галдаги муҳим вазифалардандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966. - 120 б.
3. Атаниязов С.А. Словар туркменских этнонимов. – Ашхабад: Илим, 1988. – 179 .
4. Ахманова О.С. Словар лингвистических терминов. - М.: Просвещения, 1966. 202 с.
5. Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами: Филол. фанлари ... номзоди дис. автореф. - Т., 1999. - 28 б.
6. Бегматов Е., Наимов С. О классификации топонимов // Тюркское языкознание. - Т., 1985. - С. 375-379.
7. Бегматов Е. Номлар ва одамлар. - Т.: Фан, 1966. - 52 б.
8. Бегматов Е., Холмўминов Х. Специфика онимизации прилагательных в системе узбекской микротопонимии // Проблемы ономастики Азербайджана. - Баку, 1991. – С. 264-265.
9. Бегматов Е. Жой номлари - маънавият кўзгуси. - Т.: Маънавият, 1998. - 64 б.
10. Боболардан қолган нақллар. ЙОзиб олувчи Раҳматулла ЙУсуф ўғли. – Т.: Фан, 1998. - 128 б.
11. Дўсимов З. Топонимик индикаторлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. –№5. –Б. 71-74.
12. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. - Т.: Фан, 1985. - 104 б.

13. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977. - 174 б.
14. Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси: мавзuidaги Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Навоий, 1998. - 106 б.
15. Жумаев А.Ш., Мухаммедов И.Т., Ҳамройев А.Ҳ. Ўлкамиздаги жой номлари. - Бухоро, 1998. – 145 б.
16. Маматов Н. Ўзбек тилида қосшма сөзлар. - Т.: Фан, 1982. - 139 б.
17. Махсус курс ва махсус семинар программалари. - Қарши, 1988. - 106.
- 18 Маҳмудова Д. Топонимларнинг индикаторлиги. - Марғилон, 1997. - 40 б.
19. Найимов С. Ойконимы Бухарской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Т., 1984. - 19 с.
20. Найимов С. Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати. - Бухоро, 1997. .
21. Найимов С. Топонимик аниқлагичлар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1983. - № 4. – Б.62-63.
22. Найимов С.Н. Бухоро области топонимияси. – Т., 1984. 24 б.
23. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. - Т.: Ўқитувчи, 1985. - 83 б.
24. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1988. – 154 б.
25. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1988. - 290 б.
26. Ономастика Узбекистана. – Т.: Ўқитувчи, 1987. - 92 б.
27. Ономастика Узбекистана. – Т.:Б.И., 1989. - 208 б.
28. Отажонов А.Ж. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1997. - 29 б.
29. Отажонов А. Хоразм этнотопонимлари. - Т.: Фан, 1997. - 129 б.
30. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиши хусусияти. - Т.: Фан, 1983. - 56 б.
31. Охунов Н. Жой номлари таъбири. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 86 б.

32. Раҳматулла Юсуф ўғли. Боболардан қолган нақллар. - Т.: Фан, 1998.
33. Сатторов Ф.Ҳ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1990. - 19 б.
34. Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. - Т., 1994.
35. Туробов А.М. Самарқанд вилояти этнонимлари ва этнотопонимлари таҳлили: Филол. фанлари номзоди дис. автореф. - Т., 1999. – 24 б.
36. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги сўзбек адабий тили. - Т.: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
37. Холмўминов Х. Бойсун микропонимиясини ўрганишга доир // Ономастика Ўзбекистана. - Т., 1986. – Б.
38. Холмўминов Х. Бойсун раёни микропонимларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тилининг лексик-семантик хусусиятлари. - Т., 1988. – Б. 73-75.
39. Холмўминов Х. Бойсун раён микропонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1989. - № 6. – Б. 60-61.
40. Еназаров Т. Шаҳрисабз ҳудуди жой номларининг тарихий-қийсий тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 1993. - 24 с.
41. Еназаров Т. «Ўзбекистон топонимикаси» номли махсус курсни ўқитиш методикаси. - Т.: Университет, 1999. - 80 б.
42. Еназаров Т. Топонимларнинг илмий тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва амалий-услубий асослари. К.1. – Т., 2001. – 126 б.
43. Еназаров Т. Туркий содда топонимларнинг етимологик тадқиқи. К.2. – Т.: Университет, 2002. - 58 б.
44. Ўзбек совет енсиклопедияси. Т.6. – Т.: ЎзСЭ, 1975. - 640 б.
45. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1. - Т.: Фан, 1975. – 610 б.
46. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. - М.: Рус тили. Т.1. - 631 б.; Т.2. 1981. - 715 б.
47. Ўринбойев Б. Жиззах вилояти топонимлари. - Жиззах, 1992. - 53 б.
48. Ўринбойев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. - Самарқанд, 1997. - 202 б.

49. Қодирова Ш. Тошкент микротопонимиясининг етимологик характеристикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1969. - № 3. – Б. 56-59.
50. Қодирова Ш. Тошкент микротопонимларининг номланиш принципига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1966. - № 6. – Б. 38.
51. Қорайев С. Топонимика. - Т.: 2008.
52. Қорайев С. Географик номларнинг маъносини биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1970. - 190 б.
53. Қорайев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. - 190 б.
54. Қорайев С. Тошкент топонимлари. - Т.: Фан, 1991.- 62 б.
55. Қорайев С. Ўзбекистон ойконимларининг топонимик лексикаси// Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. – Т., 1994. - Б. 54.
56. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. – Т.: Фан, 1962. - 135 б.
57. Ҳожийев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: ЎзМЕ нашр., 2002. - 164 б.
58. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ АСЛ ЎЗБЕК ТОПОНИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ (Сирдарё мисолида)

М У Н Д А Р И Ж А:

Ишнинг умумий тавсифи.....	4 – 8
1.боб.Топонимларнинг ўрганилиш тарихи.....	8–9
1.1. Топонимика ва тилшунослик.....	9 – 12
1.2.Ўзбекистон топонимларининг ўрганилиши ҳақида.....	13 – 21
2.боб. Сирдарё вилоятидаги ўз қатламга оид топонимлар таҳлили	21 – 21
2.1. Сирдарё вилояти топонимиясининг луғавий асослари.....	22 – 28
2.2. Сирдарё вилояти топонимиясида ўз қатлам ва ўзлашган қатлам.....	29 – 37
Умумий хулосалар.....	39 – 40
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	41 – 44